

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**Мурод Шарифхўжаев**

**ИФТИХОР**

ТОШКЕНТ  
"ЎЗБЕКИСТОН"  
1993

ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ. БУ — МУСТАҚИЛ, ДЕМОКРАТИК,  
ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТДИР. БУ — ИНСОНПАРВАРЛИК ҚОИДАЛАРИГА  
АСОСЛАНГАН, МИЛЛАТИ, ДИНИ, ИЖТИМОИЙ АҲВОЛИ, СИЁСИЙ  
ЭЪТИҚОДЛАРИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА  
ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАБ БЕРАДИГАН ДАВЛАТДИР.

**И. А. КАРИМОВ**

Машҳур иктисодчи олим Мурод Шарифхўжаевнинг "Ифтихор" деб номланган рисоласи Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, унда келажаги буюк давлат билан ҳақли равишда фахрланиш туйғулари ифода этилган: ери олтин, ҳавоси беғубор, суви ширин, халқи улуғвор серқуёш Ўзбекистон ҳар биримизнинг ифтихоримиз эканлиги кўтаринки руҳда баён этилган. Икки йил ичида мустақил Республикамиз эришган ютуқларда, уни дунёдаги 160 дан зиёд давлатлар тан олиб, халқаро обрўси ортиб бораётганида Президентимизнинг хизматлари беқиёс эканлиги конкрет мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## ҚУЁШДАН НУР ЭМГАН ДИЁР

Назаримда жаҳон тирикчилигининг ризки бўлган қуёш шарқдан тонг оттириб, то пешингача ўзининг бутун тафти, меҳри, қудрати, орзу ва ҳавасини бошида қор, дилида баҳор бўлган муқаддас, толеи баланд жонажон Ўзбекистонга тўкиб солади, ундан кейин эса ўз йўлида давом этади. Шу боисдан Ўзбекистон қуёш фарзандидир. Шунинг учун унинг ери олтин, ҳавоси беғубор, суви ширин, халқи улуғвордир.

Қуёш фарзанди Ўзбекистонни Тангри Таоло ҳавас билан яратган. Чунки бу оламда инсонга нима керак бўлса, ҳаммаси шунда муҳайё. Шукурларким, 72 йил давомида рўшнолик кўрмаган, табиий олтини, "оқ олтини", "қора олтини"—нефть бойлиги, қоракўл ва бошқа битмас-туганмас бойликлари билан бутун дунёни лол қолдираётган ва ҳамма тан бераётган республикамиз бугунги кунда мустақил давлат сифатида жаҳон иқтисодига ва сиёсий ҳаётига комил ишонч билан кириб бормоқда.

Ҳа, мустақиллик, истиқлол Ватаним руҳига афсонавий куч ато этди. Очилишига муштоқ бўлиб ётган минглаб зиё ва фикр булоқларининг кўзи очилиб кетди. Иймон, эътиқод, Ватан, эрк туйғуси, тилсиз, руҳсиз халқимнинг бутун борлигини қамраб олди ва ўзлигини билиш, бирикиш, эл бўлиш, жаҳон шохсупасида ўзининг Менлигини ҳалол меҳнати ва ақли билан танитиш сари етаклади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида ижодий изланиш қизиқ кетди.

Республика истиқлоли ва тараққиёти доно юртбошини дунёга келтирди. Бу элнинг бахтидир. У кишининг узоқни кўзлаш ва етти ўлчаб бир кесиш фалсафасига асосланган раҳнамоликларида бугун биз иккита асосий вазифани ҳал этмоқдамиз. Биринчиси — давлатни барпо этиш, мустақил республикани вужудга келтириш, унинг пойдеворини қуриш; Иккинчиси — бозор иқтисодиётига ўтиш. Ўтганда ҳам халқимизнинг турмуш тарзини, руҳиятини, дини-иймонини ҳисобга олиб, ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик ва қашшоқликсиз, барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни қарор топтириб ўтиш долзарб масала бўлиб турибди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида кўрилаётган амалий тадбирларни ҳамма бир жон, бир тан бўлиб қўллаб-қувватламоқда. Ички ва ташқи сиёсатни ишчанлик ва зукколик билан бошқариб боришда Президентимизга халқ боқий умр, толмас юрак, омад ёр бўлишини Аллоҳ Таолодан тиламоқда. Сиз туфайли мустақил бўлдик ва жаҳонга танилдик, демоқда халқ. Тарихимизда биринчи марта 1992 йилнинг 2 мартада халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТ га қабул қилиндик. Энди биз сиёсатдаги қўғирчоқ эмас, балки сиёсатнинг ижодкори, унинг мустақил ва фаол иштирокчисидирмиз.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида 160 дан ортиқ мамлакатлар, шу жумладан буюк давлатлар ҳам тан олди. 60 дан зиёд давлат биз билан дипломатик алоқалар ўрнатди, ўз элчихоналарини очди. Ўзбекистон Халқаро Европа, Осиё ва регионал учрашувларда ўз фикри-зикри, йўл-йўриғи ва сиёсати билан қатнашиб умумдунё сиёсий вазиятини шакллантиришда, умуминсоний муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ечишда фаол қатнашмоқда. Агар олдин Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг пасив объекти ва ҳатто қурбони бўлган бўлса, эндиликда у мазкур муносабатларнинг мустақил ва фаол ижодкорига айланди. Эндиликда Ўзбекистон — мустақил, у бир қатор етакчи халқаро сиёсий, иқтисодий, молиявий бирлашмаларнинг, уюшмаларнинг аъзосидир.

Мана, бизга фуқароси бўлиш бахти насиб этган келажаги буюк давлат мустақиллигининг икки йиллигини қалбимиз тўла ифтихор ҳислари билан байрам қилмоқдамиз. Абадият дунёсининг бир дақиқаси ҳисобланмиш истиқлолнинг икки йили иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизда серҳосил йил бўлди.

Муҳими, икки йиллик тарих ортга қайтиш асло мумкин эмаслигини кўрсатди. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ўзини Ватаннинг ажралмас бир бўлаги деб ҳис этган юртнинг ҳар бир асл фарзанди юртдошимиз атрофида элнинг тинчлиги, тотувлигини, бахтли келажагини қарор топтириш йўлида янада мустаҳкамроқ бирикмоқда, ўз кучига, қудратига ишониб, яратувчилик фаолияти билан нурафшон келажак сари дадил қадамлар билан бормоқда. Бундан ҳам улуғроқ ифтихор бўлиши мумкинми!

Мустақиллик халқимизнинг улкан ғалабаси, бахти. Бу ғалабани бўҳронлардан сақлашимиз, мустаҳкамлашимиз керак. Мустақиллик инсонда мағрурлик, ўз-ўзини билиш, кадрлаш ҳис-туйғуларини уйғотувчи сиёсий ҳодиса. Бу туйғу қийинчилик билан қўлга киритилган мустақилликни ҳар соҳа бўйича мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, уни оддий ҳаёт тарзига айлантириш учун хизмат қилмоғи лозим. Шу ваддан ҳам мустақиллик бизнинг кечаги, бугунги ва эртанги кунимиздир.

Мустақиллик шароитида Республика маънавий бойлигини тиклаш ва уни камол топтириш, илму фанимиз, адабиётимиз ва санъатимизни умумбашарий майдонга олиб чиқиш, қадимдан ҳудудимиз халқларига хос бўлган, катта ҳарфлар билан ёзилган одамгарчилигимиз, инсонпарварлигимиз янги мазмун билан бойитилиб, эл-юрт ҳавас қилса арзигулик даражага кўтарилмоқда.

Баркамолликка даъвогар халқгина мустақиллик меваларидан баҳраманд бўлишга лойиқдир. Тарихдан маълумки, қайси бир халқ маънавий жиҳатдан қанчалик эртароқ баркамолликка эришган бўлса, шунчалик эртароқ ўз истиқлолини қўлга киритган. Одамлар орасида "илгариги кунларимиз яхши эди" дегувчилар топилиб турган ҳозирги шароитда истиқлолнинг миллат ва унинг келажаги учун буюк неъмат эканлигини уқтириш, халқимизнинг Президентимиз И. Каримов атрофига жипслашишини таъминлаш ҳар бир зиёли, деҳқон ва ишчининг ватанпарварлик бурчидир.

Ватанпарварлик — миллий манфаатларни, миллат тақдирини ва истиқлолни чуқур ўйлаш ва англаш билан боғлиқ бўлган маънавийдир. Кишиларда ватанпарварлик туйғуси қанчалик теран бўлса, мустақиллик ҳам шунча барқарор бўлади. Ватанпарвар киши ҳозирги мураккаб даврда ҳам бугунги кундан кўра эртанги кунга кўпроқ ишонади, у ҳақда ўйлайди.

"Мен қайда бўлмай ва ким билан учрашмайки, — деган эди И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида, — эртанги кун ҳақида олижаноб фикрларни эшитиб, очиқ чехраларни кўриб, юртдошларимиз қалбидаги ишонч ва умидни сезиб, ҳар доим ўзимни эл-юртимиз олдида қарздор деб сезаман".

Ўзбекистон — менинг Ватаним. Мен республикамизнинг фарахбахш эртанги куни билан фахрланаман. Мен шу буюк давлатнинг фуқароси, зиёлиси, эгаси эканман, бу йўлда фақат ақлу иродамни эмас, бутун умримни шунга фидо қилишга тайёрман. Шундай руҳ назаримда Ўзбекистоннинг барча ватанпарвар ўғлонларига хос сифатлар бўлса керак деб ифтихор билан ўйлайман ва шунга умид қиламан.

## КАМОЛОТ ЗАМИНИ

1991 йилнинг 31 августида ўзбек халқининг инсоний ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди ва у мамлакатимиз камолотининг заминига айланди. Мустақилликнинг иккинчи баҳорини кўриб, у нималарга қодир эканлигини, нималар бераётганлигини қалбдан ҳис этиб турибмиз.

Маълумки, мустақилликни, эркини ҳеч ким, ҳеч қачон бировга шундайлигича бермайди. У кураш билан олинади, қарам ўлкаларнинг боилигини талаш, миллий қадриятини камситишга ўрганиб қолган колонизаторлар ҳеч қачон ўзларига қарам бўлган халқлар тўла мустақил бўлиб кетишига ихтиёрий равишда йўл бермаганлар. Улар мустақиллик эълон қилинганидан кейин ҳам мустамлакачиликнинг янги йўлларини излайверадилар.

Элга ўзини буюк мададкор қилиб кўрсатмоқчи бўлган давлатлар "ёрдам" баҳонаси билан мустақил бўлган мамлакатларга ўзининг руҳини, одатини, дунёқарашини киритишга, мамлакатда уни ич-ичидан нотинч қилувчи омилларни яратишга шошилмоқдалар. Демократия баҳонаси билан мустақилликка эришган мамлакатларга ғарбона демократияни, ғарбча ишлаб чиқариш усулини олиб киришга урунмоқдалар. Узлари танлаган, ўз тарихидан келиб чиқадиган йўллари ёпишга, уларни янги замон руҳига мосланган, номигагина тенг, аслида эса қарам, текин хом ашё базасига, ўтмаган молини сотадиган бозорга айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳа, мустамлакачиликнинг табиати, унинг текин томоқ психологияси шундай. Бу — замоннинг ҳар бир дақиқасига мослашиб оладиган лўттибозлиқдир. У мустақилликка эришган давлат сиёсий кучларидан ҳаммиша сезгирлик, ўткирликни талаб қилган.

Яна биз шуни ҳам кўриб турибмизки, мустақиллик халқни буюк кучга, қудратли тўлқинга айлантириб юборар экан. Халқ мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ғов бўлиб турган ҳар қандай тўсиқни, қийинчиликни енгиш учун қудрат топа олар экан. Буни биз Ўзбекистон мисолида кўриб турибмиз.

Курашлар билан қўлга киритилган мустақиллик эса айни вақтда республика зиммасига оғир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммолар, қийинчиликларни юклайди.

Ижтимоий ҳаётда давлатлар мустақиллигининг ўзи нисбийдир, чунки улар ўзаро иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муносабатлардан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Муносабатлар системасида мустақил давлатлар ўзаро муносабатларнинг зарурлигини, бошқа давлатлар манфаатларини қаттиқ ҳисобга олиш кераклигини бениҳоя юксак даражада англаши улар билан муносабатни кенгайтириш, чуқурлаштириш, уларни ўзидек кўриш, ҳис этиш талаб қилинади. Бу жараёндаги изчиллик ва сиёсий маданиятлилик Республика мустақиллиги доирасини янада кенгайтиради, унинг обрўсига обрў қўшади.

Мустақиллик халқимизнинг орзу-умидларини ўзида мужассам қилган қадрият сифатида, биринчи галда Республика фуқаролари сиёсий фаолиятининг, демократик жараёнларнинг ҳам натижаси, айни вақтда бу жараёнларни такомиллаштиришнинг замини ҳамдир. Мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий қадрини мустаҳкамлаш учун Республикада кўппартиялиликка, демократик фаолиятга, партиялараро мулоқотга кенг йўл берилди. Халқнинг сиёсий активлигини оширишга хизмат қиладиган барча тадбирлар Конституцияга асосланиб, қонун доирасида олиб борилмоқда.

Мустақилликка қадар Коммунистик партиядан унинг мафқурасидан бошқа партияди, сиёсий ташкилотни, мафқурани тасаввур қилиш мумкинми? Ёки, жамиятда раҳбар партиядининг бир қатор сиёсий партия, халқ ҳаракатлари билан очик ва эркин мулоқотини, уларнинг умумий мақсад йўлида бир-бирларининг тажрибаларидан фойдаланишларини,

мамлакатда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг кенг жамоатчилик томонидан эркин муҳокама қилинганини кўриш мумкин бўлармиди, йўқ. Бу сиёсий эркинликларнинг барчаси мустақиллик туфайлигина қўлга киритилган йирик сиёсий ғалабамиздир.

Албатта, сиёсий мустақиллик бирдан ҳазм қилинаверадиган ижтимоий ҳодиса эмас. Унга ҳам маълум вақт, малака, кўникма талаб қилинади.

Сўзсиз, келажак бугундан бошланади. Биз бир кунда демократ бўлиб қолишимизнинг ҳеч иложи йўқ. Қонимизда 130 йилдан ортиқроқ ҳукмрон бўлган қарамлик асоратлари, қаллоблик ва зўравонликка таянган "маъмурий социализм" қаттиқ ўрнашиб олган. Шунинг учун мустақилликнинг демократик руҳи халқ қалбига қаттиқ курашлар, изланишлар орқали кириб бормоқда, халқнинг ўзи шу демократик кадриятларни бир қатор сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тўсиқларни енгиш жараёнида яратиб бормоқда, уларда айни вақтда юксак онглилик, фидоийлик, бир тан ва бир жон бўлиб келажак учун кураш, турли қараш ва фикрларни бир мақсад йўлида уйғунлаштириш кўникмаси шаклланиб бормоқда.

Мустақиллик мамлакатда биринчи марта тўраларнинг маслаҳати, танлови, кўрсатмасисиз уз Президентимизни ўзимиз сайлашимиз имконини берди. Ахир республика мустақилликни қўлга киритгунга қадар Президентни сайлаш у ёқда турсин, вилоят ҳокимларини тайинлаш у ёқда турсин, ёки халқ руҳи, тақдирига мос Конституцияни қабул қилиш у ёқда турсин, ҳатто даламизнинг қайси чеккасига нимани қачон экишимизни ҳам марказдаги тўралардан сўрар эдик. Уларнинг қош-қовоғига қараб кун кўрар эдик. Уларнинг иззат-нафси деб ўзимизни турли офатларга гирифтор қилар эдик.

Мустақиллик туфайли Республикаимизнинг кўпчилиги аҳли бир овоздан мустақиллик дарғаси И. А. Каримовни жумҳуриятимизнинг биринчи Президенти қилиб сайлади. Биринчи бўлиш ҳамиша қийин. Айниқса, Ислом Абдуғаниевичга, чунки у кишига ишни бир томондан, илгари СССРдаги марказдан бошқариладиган республикалараро зўрликка асосланган қонуний иқтисодий муносабатлар чил-парчин бўлган, маҳсулот етиштиришга ҳам, хом ашё топган ускуна тополмай, ускуна топган мутахассис тополмай, мутахассис топган маҳсулотини сотолмай қолган шароитда, қимматчилик ва етишмовчилик тўхтовсиз кўтарилиб бораётган, иш тополмаётганлар сони ошиб, рекет, мафия, чайқов ва бошқа иллатлар орқали бир ҳовуч кишилар катта бойликлар орттираётган, шаҳарларимизда, қишлоқларимизда нокас кишилар, гуруҳлар томонидан талончилик, зўравонлик содир қилинаётган, етим-есирлар, ногирон кимсалар, кўп болали оилаларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб бораётган даврда; иккинчидан эса, тоталитар, маъмурий-буйруқ-бозлик партия-давлат тизими даврдан мерос бўлиб қолган иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, қарашлар, қимматлар, мафкура қон-қонига сингиб кетган, янгича гапириб, эскича ишлайдиган анча-мунча раҳбарлар, фуқаролар билан бошлашига тўғри келди.

Бу, очиғини айтиш керакки, жуда катта масъулият эди. Аҳамиятлиси шундаки, бу масъулиятни Президентга жумҳуриятнинг соғлом фикрдаги, мустақил республиканинг бахти, келажакига ишонган, ўзларини бағишлаган миллион-миллион фуқаролар ўз хоҳишлари билан гувоҳлик бериб, ишониб топширдилар. Шунинг учун республика олдида турган барча мураккаб вазифаларни юртбошимиз халқ билан узвий бирликда пешма-пеш ҳал қилиб бормоқда. Ҳа, бирликда ҳал қилинмайдиган ҳеч қандай муаммо йўқ.

Шу бирликнинг меваларини пахта яккахокимлигига қарши очикдан-очик курашда, юз минглаб гектар ернинг аҳолига шахсий томорқа сифатида берилишида, фермер хўжалигини, тад биркорлик билан иш юритиш, шаҳар, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш шароитини тубдан яхшилашда, камхарж оилаларни ижтимоий ҳимоялашда, қисқаси — инсоннинг инсоний ўрнига қўйилишида ва бошқаларда кўрмоқдамиз. Бу ишлар ҳали кучли марказ ўз қудратини йўқотмаган, йўқотишни хаёлига ҳам келтирмаган пайтлардан бошланган эди. Бу

ишларни ўзига ишонган, мард, халқига садоқатли, ўзгаларнинг ғам-ташвиши билан яшай оладиган Президент амалга ошириши мумкин эди, холос.

Юртбоши ўз нутқлари, дастурлари билан эмас, балки амалий иши билан қадрланади. Амалий фаолият унинг кимлигини, унинг ахлоқи ва этикасини, иймони бутунлигини тасдиқлайди.

Мураккаб дамларни бошдан кечираётган мустақиллик инъом этган Президентимиз халқни ўзининг инсонийлиги, меҳнатсеварлиги, оддийлиги, донолиги, гайратлилиги, мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳолатни тезда аниқ ҳис қила олиши, улардан назарий хулосалар чиқара олиши, чўрткесарлиги, ўзи ишонган нарсага бошқаларни ҳам ишонтира олиши билан уюштириб, аниқ мақсад сари етакламоқда.

Яна шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Президент қанчалик салоҳиятга эга бўлмасин, у ҳам барчамиз сингари бенуқсон бўлмаган бир инсон. Шунинг учун ҳам маълум зиддиятли масалаларни ҳал этишда Президент мутлақо ҳақ эканлигидан эмас, балки биз билан елкама-елка яшаётган, ишлаётган инсон сифатида, ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда фикр билдиради. Лекин ҳамма гап кўпчиликнинг инсоний қадр-қиммати, ҳузур-ҳаловати, тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилган ҳолда муаммоларнинг ечилишидадир.

Президент ҳаммага бир хил муносабатда бўлиши мумкин эмас. Унинг фаолияти асосида қонун, фақат қонун ётмоғи керак. Унинг диққат марказида ҳамиша жумҳурият бирлиги, ободлиги, халқининг соғломлиги, бахтли турмуши, унга раҳна солувчиларга шафқатсизлик турмоғи лозим.

Президентликнинг амалга ошишида парламент, ҳукумат аъзолари, вазирларнинг роли бениҳоя каттадир. Президентни улуғлайдиганлар ҳам, унинг юзини ерга қаратадиганлар ҳам биринчи галда шулардир, Шу боисдан Президент ўзининг уюшган ҳамфикр, жасур маслақдошларига, бошқарув командасига эга бўлиши шарт. Бу команда бир қўли билан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий пульсини ушлаб турса; иккинчи қўлини заҳматкаш зиёлилар томон узатиши керак. Шундай баҳамжихатлик республикани танг аҳволдан олиб чиқишнинг муҳим воситаларидан биридир.

Президентнинг қуввати унинг Президентлигидагана эмас, балки халқнинг унга ишонишидадир. У ўз қувватини халқидан олади. Бугунги кунда халқимизнинг унга бўлган ишончи бениҳоя юқоридир.

"Қадрли Ислом Абдуғаниевич! Ўз она юртимизни, давлатимизни мустақил кўриш ҳар биримизнинг қалбимизга битмас-туганмас ғурур ва шодлик бахш этади, — деб ёзадилар бир гуруҳ фахрийлар ўзларининг юртбошимизга йўллаган мактубларида, — Сиз ички ва ташқи фаолият соҳасида юргизаётган оқилона сиёсатни астойдил, чин ихлос ва чуқур эътиқод билан қўллаб-қувватлаймиз.

Улуғ ниятларни амалга оширишда биз боболар, бизларнинг болаларимиз ва набираларимиз Сиз билан ёнма-ён, Сиз билан камарбастадирлар. Фахрийлар сиз бошлиқ ҳукумат бизга кўрсатаётган саховат ва нажотдан ғоятда миннатдор бўлмоқдалар.

Биз фахрийлар, энг аввало, Сизга Она юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашида, меҳнатсевар, камтар, олижаноб халқимизнинг тинчлиги, осойишталигани таъминлашда, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишда, ризқ-рўзимизни бут этишингизда, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мушкулларни енгишингизда, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда олиб бораётган қийин ва мураккаб, улуғвор ва саховатли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Биз фахрийлар кўп миллатли барча меҳнаткашлар номидан Сизни ишонтириб айтамызки, янги жамиятни барпо этиш йўлида барча Сиз амалга ошираётган ишларни бажармоқликка ўзимизни сафарбар деб биламиз".

Мустақиллик бизга ўз Конституциямизни ўзимиз тепадан берилган андозасиз, чегарасиз қабул қилиш имконини берди. Президентимизнинг бевосита раҳбарликларида тайёрланган Ўзбекистон Конституцияси БМТ ҳужжатлари, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидалари, ривожланган демократия мамлакатлари ҳисобланмиш АҚШ, Япония, Канада, Олмония, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испания ҳамда Шарқ мамлакатлари — Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституция тажрибаларидан ижодий фойдаланган ҳолда, халқимизнинг иродаси, руҳияти, ижтимоий онгини ва маданиятини акс эттирган, Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайдиган, миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаш имконини берадиган, инсоннинг маънавий камол топишига кўмак берувчи, унинг ҳуқуқий кафолати бўлган ҳужжатдир.

Истиқлол туфайли қабул қилинган Конституциямиз инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларини садоқатли, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қонунларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини, ҳурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлигини кафолатлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқларида Ислом Абдуғаниевич: "Биз сўнги етмиш йил ичида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада Конституцияда туб бурилиш ясалган, яъни "давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар". Собиқ тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмасди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади", — дедилар. Мустақиллик бизга она сутидек ҳалол, ота номусидек табарруқ, ажодлар руҳидек муқаддас маънавиятимизни қайта тиклаш имконини берди.

Мана, масалан, Наврўзни бу йил ҳам зўр шодиёналик билан байрам қилдик. Халқ наврўз, ҳайит ва бошқа шу каби эл кашф қилган урф-одат, анъана сайиллари билан тирик, шулар туфайли уюшади, бирикади, халқ сифатида намоён бўлади. Буни яхши билган "узоқ марказ"дагилар иложи борича уларни турли важлар билан халқдан бегоналаштиришга ҳаракат қилдилар. Бегоналаштирдилар ҳам. Уларнинг ўрнига халқимиз руҳига ёт қийқирик-чақириқлардан иборат расмий-сиёсий байрамлар киритилди. Миллатни унинг руҳи ва ойнаси бўлган она тилидан, иймони бўлган динидан жудо қилишга ҳаракат қилдилар. Мамлакатда шундай маънавий-қистовли муҳит пайдо бўлдики, ҳатто одамлар яқинларининг, ота-оналарининг, ака-укаларининг, опа-сингилларининг азаларига боришдан ҳам қўрқиб қолдилар. Натижада халқ ўзидан ўзи тобора узоқлашиб, бегоналашиб борди.

130 йилдан ортиқроқ вақт ичида халқ мустақиллик йўлида не-не машаққатлар чекиб, не-не қурбонлар бермади. Бой тарихи ва маданиятига эга бўлган, дунёга машҳур бўлган олимлари, ёзувчилари билан танилган ўзбек халқи ўз тилини, динини, миллий ғурур ва ифтихорини, бутун маънавиятини, ўзлигини йўқотиш даражасига етиб келган эди. Ҳатто байроғига эркинлик ёзилган шўролар замонасида ҳам халқнинг маънавий мустақиллиги йўлида эрк излаб ижод қилган Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир каби эл фарзандлари катағон қилинди. Миллий мустақилликка ҳатто шама аломатлари бор фикрларни баён этган зиёлиларимиз пешма-пеш катағон қилиб турилди.



Мустамлакачиликнинг зарбдор замбараклари ўзбекларни ўз тарихидан жудо қилишга қаратилди. Тарихимизнинг шуҳратли ўғлонлари элга каллакесар қилиб танитилди. Қизиғи шундаки, "Ватанимиз" тарихида Александр Невский, Буюк Пётр, Суворов азиз саркардалар сифатида қизил чизгилар билан берилса, Соҳибқирон Темур қора чизгида, элни вайрон қилган йўлтўсар сифатида берилган. Қани бунда оддий инсоний адолат?!

Ҳа, адолатсизликнинг ҳам ўз мантиғи бор. Қаҳрамони бўлмаган халқ ўлимга, эзилишга, хўрликка маҳкум бўлган халқдир. Мантиқ шунга олиб келади. Шунинг учун бўлса керак Шохруҳнинг ўғли, Форс ўлкасининг ҳукмдори Иброҳим Султон бобоси Амир Темур ҳақида бир мукамал ва ҳаққоний тарих битиб қолдирмакка аҳд қилган. Мазкур тарихга оид анча маълумотлар йиғилгач, уларни қаттиқ текширувдан ўтказиб, машҳур тарихчи Али Яздийга "Зафарнома"ни ёзишни буюрган, буюрганда ҳам Соҳибқироннинг келиб чиқишидан тортиб то умрининг охиригача бўлган давр аниқ баён қилиниши, тарихда Амир Темур насаби то Одам Атогача етказилиши талаб қилинган. Иброҳим Султон "Зафарнома"ни ёзишга фармон берганида Соҳибқироннинг жангу-жадалларини ўқиган киши табиийки, унинг насл-насаби билан ҳам қизиқади, деган хулосага келган.

Шўролар замонида насл-насабимиз ҳақида оғиз очмай келдик. Москванинг розилигисиз Амир Темур ҳақида, унинг Ўрта Осиё маданиятини ривожлантиришдаги роли ҳақида умумий фикрларни баён қилганлиги учун атоқли файласуфимиз И. М. Мўминов ҳаётдан эрта кўз юмди. Бошқа қанча-қанча олимларимиз, ёзувчиларимиз "бюро" азобларини кўрдилар.

Мана, бугун мустақиллик туфайли жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк давлат асосчиси, Шарқнинг улуғ саркардаси, илм-фан ташкилотчиси ва ҳомийси, миллий маданият ва меъморчилик санъатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шавкатли бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур яна тарихимизга ўз ғурури, байроғи, иззат-ҳурмати билан кириб келди. Мустақиллигимизнинг икки йили байрам қилинадиган кезларда Тошкент шаҳрининг қоқ ўртасида унинг сиймоси акс эттирилган ҳайкал очилади.

Халқнинг қадимий байрами бўлган наврўз каби миллий анъаналар, унинг иймони бўлган дин, маънавий гавҳари бўлган тил Президентимизнинг изчил сиёсатлари туфайлигина ўз эгаларига қайтди. Ватанда яшаб беватанлик даҳшатини кўрилган кунлар кишиларимиз ҳаётдан узоқлашди. Иймон, эътиқод эркинлигига кенг йўл очилиб, улуғвор саждагоҳларимиз томон шукроналик билан юз буриш бахтига муяссар бўлди. Истиқлол туфайли олиб борилаётган мумтоз миллий сиёсат миллатлар бағрига озодлик шабадасини тегизди. Энди улар бир-бирларининг катта-кичиклигига қараб эмас, балки ўзаро тинчлик асосида бир-бирини тушуниб, кадрлаб, бир-бири билан яқинлашиб бормоқда. Улар бир эл, бир халқ вакили сифатида мустақил Ўзбекистоннинг ор-номуси учун курашиш руҳи билан яшамокдалар.

Бир мамлакатда яшаётган юзлаб халқларнинг бундай жипслашиши, бир ният орзуси билан уйғунлашиши республикада миллатлараро муносабатлар осойишталигини қарор топтирмақда. Шунинг учун халқ наврўз байрамида ҳам, рамазон ҳайитида ҳам Давлатимиз раҳбари ҳақида шукроналар билан дуолар ўқиди, унга узоқ умр тилади, яратгандан илтижо қилиб, у кишини халқимиздан, халқимизни у кишидан ажратмасликни тилади.

Умуминсоний кадриятларнинг ажралмас қисми бўлган миллий маънавиятимиз ўтмиш, бугунги кун ва келажакнинг узвий бирлигидан иборат бўлган ҳодисадир. Унда маънавий меросни тўла, оқилона эгаллаш ва ривожлантириш ҳозирги авлодларимизнинг муқаддас бурчидир. Чунки масала бой маданий, маънавий меросга эга бўлишдагина эмас,

балки уни астойдил эгаллаб, жамики давр маънавияти билан боғлаб, янги тараққиёт босқичига кўтаришдадир.

Ўз маданий меросини билмаслик ёки уни назар-писанд қилмаслик нонкўрликдир. Ўз маданиятини юксакликка кўтаришга интилмаслик, жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлиб, миллий маданиятга янги мазмун олиб киришга интилмаслик, миллий маданият равнақиға ўз хиссасини қўшмаслик мустақиллик, истиқлол олдида жиноятдир. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина порлоқ истиқлол, ҳақиқий мустақиллик учун курашға ўзида куч ва қудрат топа олади ва бу куч-қудрат бизда келажаги буюк давлатнинг қарор топишиға олиб келади.

Шундай қилиб, бир сўз билан айтиладиган мустақиллик, миллат эркинлиги, давлатнинг ўз ички ва ташқи сиёсатини ўзи белгилаши, бетакрорлигидан бошланувчи олам-олам иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ижтимоий эрklarни мужассамлантириб, ўзининг сеҳрли ҳаёт ато этувчи тафти атрофида бутун бошлиқ халқни уюштиради ва бириктиради. Шунинг учун ҳам босқинчилар қарамларға мустақиллик бермасликка ҳаракат қилганлар, қарамлар эса ўз навбатида мустақиллик йўлида ҳар қандай зарбаға, курашға тайёр турганлар. Тарихда ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қерда мустақилликка осонлик билан эришмаган. Жумладан, Ўзбекистон ҳам.

Баъзан айрим кишилар мустақилликка эришишимизни Республика Олий Кенгашида Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши билангина боғлаб жўнгина тушунадилар. Улар мазкур қарор қабул қилингунича, қарор қабул қилиш жараёнида ва қарор қабул қилинганидан кейинги машаққатли сиёсий курашни, бу курашда Президентимизнинг жонбозликларини ҳамиша ҳам тасаввур қилавермайдилар. Мазкур мустақиллик, республика тақдирини ўз тақдири билан боғлаган сиёсий йўлбошчининг изчил, мардона оқилона сиёсати ва кураши билан қўлга киритилганлигини ҳамиша фаҳмлайвермаймиз.

Республикамизнинг бугунги долзарб вазифаси мустақилликнинг барча жиҳатларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу айна вақтда халқимизнинг бағриға эркинлик шабадасини баҳшида қилган юртбошимиздан собитқадамлик, халқимиздан эса у киши атрофида янада мустаҳкамроқ жипслашишни, бирдамликни таъминлашни, сезгир бўлишни, қўлга киритилган бебаҳо инсоний қадриятни эҳтиётлаб, авайлаб асрашни ва қадрлашни талаб қилади.

## ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ЧОРРАҲАЛАРИДА

Мустақиллик ўз иқтисодимизни ўзимиз яратишимиз, бошқаришимиз имкониятини берди. Сиёсий мустақилликка таянган ҳолда биз иқтисодий ривожланган, халқи озод, фаровон яшовчи демократик жамиятни яратмоқдамиз.

Ривожланган иқтисод-мамлакат мустақиллигининг бош мезони. Биз ишлаб чиқариш ва халқ истеъмоли жиҳатдан кам ривожланган давлатлар қаторига кирамиз. Аммо мустақил сиёсат юргиза бориб, ўзимизнинг иқтисодий тизимимизга асос солдик. Бунинг гувоҳи молиявий тизимнинг мустақил йўлга ўтиши, ўз банк системамизнинг яратилиши, келажакда ўз миллий пулимизнинг жорий этилиши, мустақил бюджет ва кредит системасига амал қилиш, ташқи алоқаларнинг мустақил ўрнатилиши ва энг муҳими, миллий мулкчиликка асос солинишидир.

Иқтисодий мустақилликни, миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи бир қатор фармонлар, қарор ва қонунлар қабул этилдики, улар орасида мулк, ер, хусусийлаштириш, банк тизими, тадбиркорлик, фермерлик, чет эл инвестицияси тўғрисидаги қонунлар алоҳида ўрин тутди. Иқтисодий пойдевори бўлмаган истиқлол бамисоли томири заиф дарахтдирки, у довул-бўронларга бардош бера олмайди. Бас, шундай экан мустақилликни эндиликда иқтисод билан таъминлаш керак. Ўзбекистон ўз миллий бойлигининг мулкдорига айланди. Эндиликда бу мулкни халқ тасарруф этади, у халқ манфаати йўлида ишлатилади. Мустақиллик йўли бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ. Шу сабабдан миллий мулкчилик иқтисодий плюрализмга (хилма-хилликка) асосланади, яъни у давлат, жамоа мулки, аралаш мулк ва фуқаро мулки шаклида намоён бўлади. Пайдо бўлган хусусий мулк ҳам миллий мулкчиликнинг ажралмас қисмидир, у ҳам мустақилликка хизмат қилиши керак. Албатта, ҳозирчалик давлат мулки мустақиллик таянчи бўлиб хизмат қилади, чунки давлатдан ўзга миллий манфаатларни ифодаловчи яхлит куч йўқ.

Аммо мустақиллик йўлида иқтисодиётни барқарор ўстириш учун уни ҳаракатга келтирувчи ички бир \_ интилиш зарур. Буни давлат мулки монополиясини чеклаш ва хусусийлаштириш юзага келтиради, чунки шу орқали мулкнинг турли рақобатлашувчи шакллари пайдо бўлади, рақобат эса бозор иқтисодини ҳаракатга солувчи куч ҳисобланади. Аммо приватизациянинг ўзи ўзи учун эмас, албатта, у иқтисодий ўсишга, иқтисодни янгилашга, яъни унинг модернизациясига хизмат қилиши керак. Бунинг учун мулкнинг бир қисмини давлат тасарруфидан чиқариб, уни самарали ишлата билувчи тадбиркорлар қўлига бериш зарур. Агар ишончли тадбиркорлар, ишбилармонлар, яъни бизнесчилар қатлами ҳосил бўлмаса, хусусийлашган мулк истиқлол учун хизмат қила олмайди. Мулкни кимнинг қўлига беришни билиш ўзи катта гап, чунки бусиз иқтисод раванқ топмайди, мустақиллик ишончли моддий асосга эга бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликни иқтисодий қолоқлик шароитида қўлга киритганлиги сабабли ҳам жумҳурият фақат ўз кучига таяниб инқироздан қутулиб кетиши оғир масала. Бошқа мамлакатлар, айниқса Шарқ мамлакатлари тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодиётни ўнглаб олиш учун албатта чет эл капитали киритилиши керак. Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ўлка, жумҳуриятда арзон иш кучи ҳам мавжуд. Ҳамма гап Ўзбекистонда чет эл капиталини жалб эта билишда қолган. Ҳар икки томонга манфаатли шартлар билан хориждаги маблағларни жалб этиш иқтисодиётни ўстириши шубҳасиз. Чет элдаги капитал, илғор техника ва технология бой ишлаб чиқариш тажрибасини келтиради. Хорижий фирмаларнинг алоқаларидан фойдаланиб жаҳон бозорига кенг чиқишимиз мумкин.

Мустақиллик нуқтаи назаридан ҳозир биз учун қарз капитални кириташ, яъни четдан қарз олиб, шу ҳисобидан ўзимиз ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз маъқул эмас. Биз учун энг қулай йўл четдан унумли капиталнинг келиши, яъни Ўзбекистонда чет эл фирмаларининг

филиаллари очилиши, уларнинг мулки бўлган корхоналарни улар билан шерикчиликда қўшма корхоналарни барпо этишдир.

Иқтисодий мустақилликка эришишнинг муҳим муаммоси бу ишлаб чиқариш структурасини тубдан яхшилашдир. Ҳозирги аграр-колониал структура ўрнига индустриал структура керак. Ўзбекистон қолақлигининг муҳим белгиси шуки, ҳозирги миллий даромадни яратишда саноатнинг ҳиссаси пасайиб кетган. 1992 йил 1 ярмида унинг ҳиссаси миллий даромадда атиги 30 фоиз бўлди. Бунинг устига саноатда яратилган даромаднинг талайгина қисмини тайёр маҳсулот берувчи эмас, балки хом ашёни бирламчи ишловчи тармоқлар яратади. Бу тармоқлар қишлоқ хўжалигини ва ундирма саноатда олинган хом ашёни дастлабки ишловдан ўтказиб, улардан бошқа республикада тайёр маҳсулот олиш учун етказиб бериш билан шуғулланмоқда. Улар Россия, Украина ва Беларусь саноат марказларини арзон хом ашё билан таъминлашга хизмат қилдилар. Бирёқлама ишлаб чиқариш структураси Ўзбекистоннинг қарамлигини кучайтирди. Ўзбекистонда яратиладиган жами маҳсулотнинг 40 фоизи бошқа ерлардан керакли ашё, материал, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва машиналарни келтиришга боғлиқ. Ўзбекистонда ишлатиладиган истеъмол товарларининг ярмидан кўпроғи (60 фоизи) четдан келтирилади. Бундай аҳволдан холи бўлиш учун ишлаб чиқариш структураси қуйидаги йўналишлар бўйича боргани маъқул:

1. Яратилиши мумкин бўла туриб, четдан келтириладиган товарларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш;

2. Экспортга, халқаро бозорга, бинобарин валюта топишга мўлжалланган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш;

3. Фан-техника ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, илмталаб маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш.

Бозор муносабатларига ўтиш айнаи вақтда ноишлаб чиқариш фаолиятини ҳам қамраб олиши керак. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги ислоҳот шу соҳанинг моҳияти ва функциясига янгича назарий қарашни, унга янгича концептуал баҳо беришни талаб қилади. Сўнгги йилларга қадар мазкур соҳага ортодоксал марксизмнинг догматик қоидалари жиҳатидан қаралди, унга унумли ва узлуксиз меҳнат концепцияси асосида баҳо берилди. Ортодоксал концепция унумли меҳнат деб, фақат натижаси моддий шаклдаги меҳнатни, моддий ишлаб чиқаришдаги меҳнатни тушунади. Унинг қоидаларига кўра, натижаси моддий шаклда бўлмаган, меҳнат унумсиз деб қаралди. Бу билан ноишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат камситилди, унинг иқтисодий тараққиётдаги ўрнига ҳолисона баҳо берилмади. Мана шундай назарий-методлогик ёндашув натижасида ноишлаб чиқариш соҳаларига керакли ресурслар ажратилмади, ривож жиҳатидан орқада қолиб кетилди.

Албатта, мазкур соҳа ислоҳотга муҳтож. Ноишлаб чиқариш соҳаси ишлаб чиқаришга боғлиқ, чунки ундан моддий ресурслар олади, аммо унинг боқимандаси эмас. Бу соҳадаги меҳнатни ҳам унумли деб қараш вақти келди, чунки у яратган хизматлар иқтисодий ўсишга катта ҳисса қўшади. Гарчи бу ердаги меҳнат натижалари номоддий шаклда бўлсада, у жамиятнинг эҳтиёжини қондиради, ишлаб чиқаришга наф келтиради. Шуни айтиш кифояки, хизмат кўрсатиш соҳаларида илғор мамлакатларда ишловчи аҳолининг деярли 60 фоизи меҳнат қилади. Бу бежиз эмас, албатта, чунки унинг аҳамияти улкан. Илғор мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг 85 фоизини фан-техника тараққиёти ва ишловчилар таълим даражасининг ортиши беради. Эндиликда эскича фикрдан воз кечиб, ноишлаб чиқариш соҳаси деганидан кўра хизмат кўрсатиш соҳаси ёки инфраструктура деган маъқул бўлади. Шундай тушунча ғарб адабиётида кенг ишлатилади. Албатта инфраструктура соҳасидаги ислоҳотни иқтисодий ислоҳотнинг бир қисми деб қараш зарур. У ҳам бозор муносабати томон олиб бориши керак, чунки ишлаб чиқариш бозор муносабатига кўчган ҳолда инфраструктура бошқача бўлиши мумкин эмас. Иқтисод яхлит бўлганидан

унинг турли бўғинлари ҳар хил принципларга таяниб амал қила олмайди. Шу боисдан бозор муносабатига ўтиш ҳамма соҳа учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлади. Инфраструктура соҳаси ислоҳоти ҳам секин-аста, босқичма-босқич ўтказилиши керак, чунки бу соҳада амал қилиб турган эски механизмни янги бозор механизмига дарҳол алмаштириб бўлмайди, чунки улар табиатан ҳар хил. Бу ишдаги шошмашошарлик аҳолига хизмат кўрсатишни издан чиқариб юбориши мумкин. Хизмат соҳалари ислоҳоти уларни 3 йўналишда боришини ҳисобга олиши керак: биринчиси — приватизация, иккинчиси — коммерциализация, учинчиси — тўла либерализация.

Хизмат соҳалари ҳам моноструктурадан полиструктура томон ривожланади. Бунда приватизация асосий йўл бўлади, чунки у давлат мулки монополияси ўрнига хилма-хил мулкчилик ва мулквий мувозанатни таъминлаши керак.

Аммо приватизация давлат мулкани тамомила йўқотиш эмас, балки уни чегаралаштиришдир, чунки аҳолига социал инфраструктура хизматларини етказиш кафолатини давлат ўз зиммасига олиши мумкин. Бозор иқтисоди ғоят малакали иш кучини талаб қилади, уни тайёрлаш хусусий эмас, балки ижтимоий функциядир. Рост шундай экан, социал инфраструктурада давлат мулкнинг бўлиши шарт, чунки шундай социал эҳтиёжлар борки, уларни хусусий тадбиркорлик доирасида тўла қондириб бўлмайди. Масалан, соғлиқни сақлаш, спорт, таълим бериш, малака ошириш. Бу ишлар давлат билан корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида қондирилиши мумкин. Шу боисдан приватизация шиори остида инфраструктурани оммавий равишда хусусийлаштириш маъқул бўлмайди. Фаолиятни коммерциализациялаш, яъни тижоратчилик асосига кўчириш ҳамма мулк шаклларида хос. Хизмат соҳасидаги давлат корхоналари ҳам шу йўл билан бозор муносабатига кириб боришлари мумкин. Коммерциализация, албатта, хизмат ҳақи, яъни тарифларни, биринчидан, эркин шаклланишини, иккинчидан, давлат назоратидаги тарифларни ҳам қолдиришини билдиради. Бозорга ўтиш босқичида хизмат соҳасидаги нарх-навони иккиёқлама асосланиши қуйидагилардан келиб чиқади:

1. Аҳоли ўз даромади жиҳатидан кескин табақаланиши турган гап, бу ҳозир ҳам юз бермоқда. Таъминланган, кам таъминланган қатламлар ҳосил бўладик, уларни харид қобилияти ва пулли хизматларга талаби ҳар хил бўлади.

2. Иқтисодий қийинчилик аҳолининг харажатида катта ўзгариш ясади.

3. Товар ва хизматлар тақчиллиги туфайли аҳоли пул даромадининг харажатлардан ортиб қолиши юз бермоқда, бунда кечиктирилган талаб ҳосил бўладик, у пулли хизматлар томон бурилиши мумкин. Оила бюджети маълумотида қараганда Ўзбекистонда ҳар бир оила ҳисобида даромаднинг харажатдан ортиқ қисми йил сайин ортиб бормоқда.

Аҳоли даромадидаги силжишлар коммерциализацияга зид таъсир этади: таъминланган табақаларнинг хизматларга талаби ошса, кам таъминланганларники камаяди. Аҳолида социал хизматларга ўткинчи талаб ҳосил бўлади. Масалан, ишсизлик касб эгаллаш, малака ошириш хизматларига талабни оширади, лекин бошқа социал талаблар қисқаради. Айтилган омилларни коммерциализациялаш жараёнида ҳисобга олинмаса, у муваффақиятсиз бўлади, чунки хизматларга сарфланган ресурслар ўзини оқламай қўйди. Шу боисдан коммерциализацияга эҳтиёткорлик билан ёндошиш ислоҳотнинг талабидир.

Хизмат соҳасида икки секторли ривожланиш бўлишини назардан қочириб бўлмайди: а) Коммерциализациялашган сектор, б) Ижтимоий, яъни коммерциализациялашмаган сектор. Бинобарин, хизмат кўрсатиш пулли ва пулсиз соҳалари мувозанати аҳоли харид қобилиятини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Мазкур нисбат ишлаб чиқаришдаги ислоҳотга ҳам боғлиқ. Агар у чуқурлашиб иқтисодий ўсиш стимули ишга тушса, аҳоли даромади тез ўсиб, коммерциализация учун молиявий асос яратади.

Умуман олганда ислоҳот пулли хизмат соҳаларига устиворлик бериши маъқул, чунки бу бозор муносабати талабларига мос тушади, чунки у энг аввал пул билан муомала қилишни билдиради. Ўтиш даврида тадбиркорликнинг ривожланиши ва келажак учун аҳолининг қайғуриши хизматларга талабини ўзгартирди. Икки хил талаб мавжуд:

1)Оммавий талаб, у традицион, яъни одатдаги анъанавий хизматларга талаб.

2)Танланган, алоҳидалашган талаб.

Иккинчи турдаги талаб соҳиби бу фақат таминланган табақа эмас, балки ёшлар ва касбини ўзгартиришга мойил бўлган кишилардир. Танланган талаб социал хизматлар соҳасига кўчмоқда. Айниқса у хорижийларга хос, уни сифатли сервис билан қондириш валюта топиш воситасидир.

Танланган талаб бу сафатли медицина хизматига, дам олиш ва туризмга, махсус коммунал хизматига бўлган талаб, бизнес сирларини ўрганишга талаб. Унинг соҳиби ўзига тўқ аҳоли қатламидир. Янги касбни эгаллаш, олий, ўрта махсус маълумот олишга талаб ёшлар ва ишсизлик хавфига йўлиққанларда пайдо бўладики: у бошқа талабларни, ҳатто истеъмолни чеклаш ҳисобига пайдо бўлади. Танланган талабнинг пайдо бўлиши, уни коммерция йўли билан қондириш мумкинлигини билдиради. Шуни ҳисобга олиб махсус пулли мактаблар, болалар боғчаси ва колледжлар очиш, олий мактабларга пулли қабулни кенгайтириш мумкин, пулли медицина хизматларини ҳам ривожлантирса бўлади. Хизмат соҳаларини ислоҳот орқали бозор муносабатлари заминига ўтказиш, уларни молиялаштириш таркибини ўзгартиради. Эндиликда у 3 йўналишда боради:

1)Бюджет ҳисобидан молиялаштириш, коммерциализация шароитида бу манбанинг ҳиссаси камайиб боради.

2) Манфаатдор корхоналар, фирмалар ҳисобидан молиялаштириш. Бунда бепул хизмат кўрсатувчи соҳалар ҳиссадорлик принципига биноан хўжалик субъектлари томонидан молиялаштирилади, яъни кўшилган пул улушига қараб хизматларда ўз бепул ҳиссасига эга бўлиш асосида маблағ билан таъминлаш юз беради.

3)Коммерция принципи асосида ўзини-ўзи молиялаштириш. Бу пулли хизматларга хос бўлади.

Шу ўринда пулли билим олувчи ва касб эгалловчи фуқароларга давлат имтиёзли кредит бериши маъқулки, уни ишлаб пул топганидан сўнг қайтариш мумкин бўлсин. Шундай кредит ғарбда яхши натижа берди.

Инфраструктурадаги ислоҳотлар, умуман бозор ислоҳотлари каби иқтисодда структура силжишини яшаш каби стратегик вазифани ҳам ҳисобга олиш керак. Структура ўзгаришини муҳим жиҳати бу хизмат соҳасини жадал ўсиши, уни ялпи миллий маҳсулот яратишдаги ҳиссасини ортишидир. Ислоҳотлар мана шундай ўзгаришга стимул бериши керак. Маълумки, ҳозирчалик хизмат соҳасининг асосий фондлар, ишловчилар таркибидаги ва ниҳоят миллий маҳсулотдаги ҳиссаси жиҳатидан Ўзбекистон илғор мамлакатлардан бир неча бор орқада қолган. Шу соҳани жадаллаштириш, уни ўстириш учун катта моддий, молия ва меҳнат ресурсларини жалб этишнинг талаб қилинади. Албатта, бунга фақат бозор механизми орқали эришиб бўлмайди. Бунинг учун албатта давлат иштироки талаб қилинади. Хизмат соҳасини ўстириш долзарб социал муаммодир. Бу аҳоли жорий талабини қондиришигина эмас, балки ўта муҳим социал муаммони — бўлғусидаги ишсизликни юмшатиш ҳам демакдир. Гап шундаки, хизмат соҳаси сермеҳнат, чунки у одамга одамни хизмат қилиши билан боғлиқ, бинобарин, у серкапитал, серфонд соҳа эмас. Бу ерда бир ишловчи ҳисобидаги фондлар ишлаб чиқаришга нисбатан анча камдир. Шу сабабли бир иш

жойини ҳосил қилиш катта инвестиция талаб қилмайди. Мазкур соҳа аҳолини иш билан таъминлаш учун ғоят муҳимдир. Гап шундаки, Ўзбекистонда ишсизликнинг ортишини кутиш мумкин. Маълумки, бир қатор ҳамдўстлик мамлактларида иқтисодий тушкунликка мос ҳолда демографик танглик келиб чиқди. Иқтисод пасайгани ҳолда, аҳоли ўсиш суръатлари пасайди ва ҳатто айрим ҳолларда аҳоли умуман ўсмади, у камая бошлади. Ўзбекистонда эса иқтисодий камомадлик аҳолининг ўсиш суръатларига деярли таъсир этмади. Иқтисодий ва демографик жараёнлар тескари йўналишда бориши ишсизлик муаммосини кескинлаштиради. Шу сабабли ҳамма чоралар билан хизмат соҳаларида қўшимча иш жойларини ҳосил этиш зарур, айниқса хонаки хизматларни кўпайтириш фойдалидир, чунки бу катта инвестицияни ва кўп вақтни талаб қилмайди.

Айтилганлар шундан дарак берадики, президент И. Каримов Қашқадарё диёрида бўлганда раҳбарлар диққатини ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга қаратгани бежиз эмас, албатта.

Умуман структура силжишлари катта маблағ талаб қилади. Ҳозир уларни давлат бюджети орқали мустақиллик ишига йўналтириш мумкин. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида давлат бюджети социал-маданий харажатларни қисқартириб инвестиция учун маблағ тўплаш ва уни ишлаб чиқаришга қўйиши шарт. Акс ҳолда иқтисодий жонлантириш юз бермай, бюджет ҳозирги даромаддан ҳам маҳрум бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги бюджети тангрок аҳволда бўлсада, ҳар ҳолда мустақил бюджетдир. Ҳозирги иқтисодга мураккаблик, бюджетга камомад хос, лекин бу мустақиллик оқибати эмас, билъакс, бу инқироз собиқ Советлар имерияси Ўзбекистонга қолдирган оғир меросдир. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон қатор иқтисодий қийинчиликка дуч келмоқда. Гап шундаки, Ўзбекистон бошқаларга, жумладан Россияга боғлиқ, Россиядаги тушкунлик ўз кетидан Ўзбекистонни тортиб келмоқда. Россия экономикасининг 1992 йилдаги аянчли якунлари Ўзбекистондаги тангликни кучайтирди. Бюджетдаги камомадни оширди. Шуни ҳисобга олиб, биринчидан, бюджетга даромад топиш керак, иккинчидан, бюджет сарфлари тежалиши шарт. Шундай вазиятда социал программаларни бюджетдан молиялаштиришни қисқартирмай туриб, молиявий соғломликка эришиб бўлмайди. Бюджет дефицитининг сабаби ишлаб чиқаришда. Тушкунлик сабабли ишлаб чиқариш ҳисобидан бюджетни бир-икки йил ичида ошириш қийин. Шу сабабли бюджет пулини максимал тежаш ҳар бир ташкилотнинг ишидир. Бюджетга кўмаклашув маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ташкилотларига бизнес билан шуғулланиш учун тўла эркинлик бериш талабига айланди, токи улар ўз-ўзини қисман бўлса-да пул билан таъминласинлар ва бюджетга юк бўлмасинлар. Бюджетни тартиблаш, унинг даромади ва харажатларини мувофиқлаштириш, бюджетга янги даромадлар манбаини топиш, бир солиқни қисқартириб, бошқасини киритиш, бюджет харажатларини социал программалар ҳисобига камайтириб кўпроқ пуллик социал хизматларини жорий этиш талаб қилинади.

Мустақилликнинг муҳим белгиси Ўзбекистонни халқаро иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айлантиришдир. Ҳозирчалик бу соҳада илк кадамлар қўйилган. Ўзбекистон ўз иқтисодини халқаро иқтисодга қўшиб улгургани йўқ, бу дарҳол бўлмайди. Узоқ йиллар Ўзбекистон СССР экспортида учинчи ўринда турган бўлса-да, ҳеч қачон мустақил алоқа юритмаган, Ўзбекистон молини сотишдан тушган валюта унинг ўзига тегмаган. Бу алоқалар марказ деб аталмиш собиқ "умумиттифоқ" ташкилотларнинг қўлида бўлган. Энди Ўзбекистон ким билан алоқа юритишини ўзи ҳал қилади. Топилган валюта ҳам шу ерда қолади. Аммо Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини ривожлантиришга халақит берувчи омиллар мавжуд. Бу Ўзбекистонда ташқи бозорга чиқадиган арзон транспорт йўлининг йўқлиги, тажрибали мутахассисларнинг етарли эмаслиги, конвентирланган, яъни эркин алмашинувчи валютанинг йўқлиги ва бошқалар шулар жумласига киради. Аммо булардан катъи назар Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсат юргизмоқдаки, шунинг ўзи катта гап ва бу

истиклол нишонасидир.

Мустақиллик иқтисодиётда ўзини кўрсата билмаса, унинг келажаги порлоқ бўлмайди. Ўзбекистон, умуман собиқ СССР республикалари мустақилликка чуқур кризис даврида эришди. Шу сабабдан иқтисодни тезликда ўнглаб бўлмайди, маълумки асрий қарамликни бир зарба билан тугатиш амримаҳол, унинг учун машаққатли ривожланиш даври керак. Нафақат собиқ СССР, балки собиқ социалистик системага кирган давлатларнинг ҳаммасида кризис чуқурлашди. Бундан Ўзбекистон холи бўла олмасди, чунки унинг иқтисоди бошқалар иқтисоди билан узвий боғланган эди. Умумий тушкунлик бўлишига қарамай Президентимиз Ислом Абдуғаниевич томонидан кўрилган бир қатор чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда тушкунлик даражаси бошқалардан анча камроқ бўлди.

Бизда нарх-наво бошқалардан арзонроқ. Муҳими шуки, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларни ўзида қайта ишлаб чиқаришни ташкил эта бошлади, унинг дон маҳсулотлари бўйича бошқаларга қарамлиги камайди. Ҳозир бошқа ерлардан қайта ишлайдиган қишлоқ хўжалиги ва ундирма саноат маҳсулотлари Ўзбекистоннинг ўзида ишлана бошлади. Ўзбекистонда кам даромадли аҳолини социал ҳимоя қилиш етарли даражада йўлга қўйилган. Дастлабки ўзгаришлар сезилиб турибди.

1993 йилнинг 18 июнида Ислом Абдуғаниевич Каримов Швейцариядаги "Форум фонд" халқаро иқтисодий ташкилотининг IV сессиясида сўзлаган нутқларида: "Биз жамиятдаги барқарорликни таъминлаб, иқтисодиётни юксалтиришга ва минтақамиздаги битмас-туганмас бойликларимизни халққа хизмат қилдиришга асосий эътибор ва куч-ғайратларни қаратганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман," — дедилар. Иқтисодий мустақилликка эришишнинг калити ҳам шундадир. Мақсад аниқ бўлса, йўл яқин бўлади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий тараққиёт йўналишлари ва уни амалга оширишнинг воситалари мамлакатни иқтисодий қийинчиликдан олиб чиқади ва уни ривожланган мамлакатлар қаторига ўтказди. Бунда юртбошимиз бошлаган йўлининг моҳиятини чуқур англамоқ, уюшмоқ, интиломоқ, ижодий меҳнат қилмоғимиз зарур. Шунда биз мустақиллигимизни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаган бўламиз, фаровон турмушга эришамиз.

Аmmo иқтисодиётдаги истиқлолга дарҳол эришиб бўлмайди. Бунинг учун вақт ва ишлаб чиқаришни барқарор ўстириш талаб қилинади.

Хулоса қилсак, ўтган икки йил ичида истиқлол сари дадил кадам қўйилди, мустақилликнинг бир қатор масалалари ҳал этилди, иқтисодни янгилашга киришилди. Натижада 1992 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши 9,6 фоизни ташкил этган бўлса, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида у 3,3 фоиз бўлди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш 1992 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 106, нефть — 117, газ — 104 фоизни ташкил этди. Кўплаб янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу муваффақиятларимизнинг барчаси халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларида содир бўлаётган ислохотларнинг фаоллиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз бозор иқтисодига ўтиш бўйича ўтказилаётган ислохотларга пешма-пеш баҳо бериб боришимиз, шу ислохотларнинг таъминотда, халқ турмушини яхшилашдаги дастлабки натижаларни ҳисоб-китоб қилиб боришимиз, аҳоли эҳтиёжини қондириш, уни иш билан таъминлаш — ишлаб даромад топиши учун шарт-шароитларни яратиш борасида олиб бораётган ишларимизга жавобгарлик билан қарашимиз, иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги дастлабки тажрибалардан хулоса чиқаришимиз, шулар асосида миллий иқтисодиётни қарор топтиришнинг бундан кейинги режаларини ишлаб чиқмоғимиз керак.



## ЎЗЛИГИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ

Дунёда шундай тарихий шахслар ўтганки, ислохотлар улар номлари билан аталган, чунки улар фаолияти иқтисодиётда муҳим янги босқични бошлаб берган. Рузвельтнинг "Янги курси", Эрхард "Ислохоти", Маршалл "Режаси", "Рейганомика", "Тетчеризм" кабилар бунинг исботи бўла олади. Шу ўринда Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларни "И. Каримов ислохотлари" деб атасак хато бўлмайди, чунки айтилган ислохотларнинг концептуал асослари ва асосий йўналишлари шу кишининг мустақил Ўзбекистон тараққиётига бағишланган рисоалари, нутқ ва чиқишларида баён этилган. Ислохотнинг ўзи ҳам И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилмоқда. Шу сабабли юртбоши олға сурган 5 принцип жаҳон жамоатчилиги диққатини жалб этгани бежиз эмас, албатта.

1. Президентимиз олға сурган "Ички иқтисодий стратегия ҳар қандай мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак", — деган қоида ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта эътиборга лойиқ. Мазкур қоида иқтисодни жамият ҳаёти учун бирламчилигидан келиб чиққан. Дарҳақиқат, иқтисодий таълимот тарихидаги кўпгина алломалар ва давримизнинг улкан олимлари иқтисодий фаолият истеъмол неъматларини яратиш ва уларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб, ҳар қандай жамият учун бирламчи бўлишини қайд этишган. Мана шу ғоя жумхурайис томонидан янада ривожлантирилади. Бу ғоя аҳамиятини фақат Ўзбекистон билан чеклаш нотўғри, у умуминсоний мазмун касб этади. Уни ҳозирги вазият билан шарҳлаш ҳам тўғри бўлмайди, чунки иқтисоднинг бирламчилиги ҳам ҳозирги, ҳам келажак авлод учун ўз аҳамиятини йўқотмайди. Буюк келажак сари бориш учун ҳозирданок унинг пойдевори — тамал тошини қўйиш зарур, бу эса иқтисодни ўнглаш ва ривожлантириш демакдир. Ривожланган мамлакатга айланиш учун Ўзбекистон ўз иқтисодини аввал барқарорлаштириши, сўнгра уни ўстириб бориши керак бўлади. Халқнинг қорнини тўйдирадиган, устини бут қиладиган, унга бошпана берадиган, унинг келажagini бамайлихотир қиладиган куч бу иқтисодий фаолиятдир. Халқ бойлигини ҳар доим яратувчанлик фаолияти оширган. Сиёсий муҳолифлик, тўқнашув ва тўс-тўполон ҳеч қачон моддий манфаат келтирмаган, аксинча у хўжаликни вайрон қилган, уни изидан чиқариб халқ фаровонлигига путур етказган. Буни англаш учун Тожикистондаги қонли тўқнашувлар қанча иқтисодий зарар келтиргани ёки Кавказдаги ўзаро кураш иқтисодни аянчли аҳволга тушириб, халққа мисли кўрилмаган қимматчилик ва қаҳатчилик келтирганига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Агар биз аҳил бўлиб, миллат, эл-юрт, ватан манфаати йўлида бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, бу қони фойда келтиради. Биз мустақилликка эришдик, агар уни иқтисодий жиҳатдан таъминламасак, яна қайтадан ўзгалар асоратига тушиб қолишимиз мумкин. Ривожланган иқтисод йўқ жойда сиёсий мустақиллик ҳам заиф бўлади. Замонавий иқтисодга эга бўлиш халқро миқёсда обрў-эътиборга лойиқ бўлиш демакдир. Агар АҚШ ва Япония иқтисодий паҳлавон бўлишмаганда халқро миқёсда ҳозиргидек юксак мартабага эга бўла олмас эдилар, бу турган гап. Шу ҳақиқатни унутиб бўлмайди.

Иқтисоднинг ўз қонун-қоидалари, сир-асрорлари борки, улар билан ҳисоблашмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Улар бизнинг эркимиз, хоҳишимиздан қатъи назар ўз кучини намойиш этаверади. Иқтисодий ўсишни инвестицияга, нархни талаб ва таклифга, меҳнат унумдорлигини техника-технология ва ишловчи малакасига боғлиқ экани каби қонун-қоидаларни ҳеч ким, ҳеч қачон бекор қила олмайди. Ҳар доим иқтисод ўз йўлида бораверади, уни тўхтатиш мумкин эмас, бунга ҳеч бир давлат арбоби ҳам қодир эмас. Одамлар айтилган қонун-қоидаларни бажо келтирганларидагина фаровон яшаши мумкин. Кимки иқтисод қонунларини назар-писанд қилмаса, унинг қосаси оқармайди. Иқтисодни хароб қиладиган нарса уни сиёсий курашга боғлаб қўйишдир. Президентимизнинг иқтисод мафкурадан холи бўлмоғи керак, деган фикри жуда ўринли ва ўта долзарбдир. Ўтмишда биз иқтисодни мафкура думига айлантириб, ўз нон-насибамизни қийдик, кам ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олдик. Тоталитар иқтисодий тизим коммунистик мафкура учун

хизмат қилди. Иқтисодий муаммолар ечимини синфий-партиявий ғоялар нуқтаи назаридан қараб келинди. Мафкура иқтисод бошидаги ойболтага айланиб қолди. Иқтисодга мафкуравий ёндошиш азобларини тортаяпмиз, ҳозирги танглик ўз-ўзидан пайдо бўлмасдан, уни бизга ўта мафкуралашган иқтисодий тизим мерос қолдирди. Бу меросдан қутулиб эл бойлигини ошириш учун иқтисод қонунларига амал қилишга йўл очиб бериш зарур. Аммо бунинг учун ҳар бир киши, ким ва қандай мансабда бўлишидан қатъи назар, айтилган қонунларни, биринчидан, чуқур англаши, иккинчидан, ўз хатти-ҳаракатларини қонунлар талабига мослаштириши керак, қисқаси иқтисодий заруратга қараб иш тутиши зарур бўлади.

2. И. Каримовнинг рисоалари, нутқлари ва чиқишларида иқтисодни бошқаришда давлат мавқеини таъминлашга урғу берилади, бу бежиз эмас, албатта, чунки бошқа мамлакатлар тажрибаси бозор иқтисодига ўтиш кезларида давлатнинг иқтисодий ролини заифлаштириш зарар келтиришини яққол кўрсатади. У кишининг давлат "асосий ислохотчи бўлмоғи зарур, у энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислохотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастрлар ва консерваторларнинг қаршилигини енгиши лозим" деган фикри ўта аҳамиятлидир. Бу мулоҳаза ҳозирги босқичда бозор иқтисодига ўтишнинг хусусиятларини таҳлил этиш ва чуқур англашдан келиб чиқади. Гап шундаки, собиқ социалистик давлатлар тоталитар иқтисодий тизимдан бозор тизимига ўтишмоқда. Ғарб мамлакатлари бозор тизимига асрлар оша секин ривожланиш орқали, анъанавий иқтисодни ўзгартириш йўли билан ўтишган. Мустақилликни қўлга киритган Шарқ мамлакатлари бошқа вазиятда бозор муносабатларига киришадилар. Улар дунёда тўпланган тажрибага таяниб бозор иқтисодига нисбатан қисқа даврда ўтадилар, улар учун Ғарбдаги бозор иқтисоди ривожига хос бўлган ҳамма босқичлардан ўтишлари шарт эмас, улар тўғридан-тўғри цивилизациялашган бозор иқтисодига ўтишлари мумкин. Ўзбекистон ҳам шундай имкониятларга эга. Цивилизациялашган бозор иқтисоди — бу инсонпарвар, социал мўлжалга эга, тартибланиб турувчи, барқарор ўсиб борувчи иқтисоддир. Унга фақат давлатга таяниб ўтиш мумкин. Агар шундай иқтисоднинг шаклланиши ўзига ташлаб қўйилса, бу ғоят узоқ давом этади, халқнинг кенг миқёсда қашшоқланиши босқичидан ўтишга тўғри келади. Бозор иқтисодига азоб-укубатсиз ўтишни давлат таъминлаши мумкин. Янги иқтисод тадбиркорлик эркинлигини билдиради, бинобарин, давлат иқтисоддан бегоналашиб, фақат сиёсат билан машғул бўлади деб ўйлаш мутлақо нотўғри. Бозор иқтисоди гуллаб-яшнаган мамлакатларда ҳам давлат заиф куч эмас, балки фаол кучдир. Иқтисодни бошқариш тизгинларини давлат қўлида тутиш зарурлиги куйидагилардан келиб чиқади:

1) Ўзбекистонда давлат асосий мулкдор, фақат давлат ўз мулкни ўзгалар тасарруфига бериши, турли-туман мулкчилик шакллари яратиши мумкин;

2) Бозор иқтисодига ўтилган тақдирда ҳам давлат камида 30—35 фоиз мулкнинг эгаси бўлиб қолади, чунки фақат давлат ихтиёридагина самарали ривожланиши мумкин бўлган соҳалар мавжуд. Масалан, сув хўжалиги, алоқа, йўл хўжалиги ва ҳ. к.

3) Айрим шахс ёки жамоанинг ўз манфаати бор, улар умуммиллий манфаатни ҳимоя қила олмайдилар. Миллий иқтисодни давлатгина ўз паноҳида асраши мумкин;

4) Бозор иқтисодининг нуқсонлари борки, фақат давлат уларни бартараф этади, ёки салбий оқибатларини сусайтира олади;

5) Ҳозирги бозор иқтисоди бу тартибланувчи иқтисоддир. Уни тартибга туширишда давлат фаол қатнашади. Давлат ўз қўлидаги иқтисодий воситалар (солиқ, кредит, бож пули, субсидия, субвенсия, нарх назорати) орқали миллионлаб тадбиркорлар ишини қовуштиради, уни йўналишда боришга кўмаклашади. Давлат иқтисодни назорат қилувчи, унинг бўғинларини боғловчи куч бўлади.

Давлатнинг фаоллиги унинг монополиясини асло билдирмайди. Давлат антимонопол

сиёсат юргизиб, эркин рақобатга йўл беради. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, Ўзбекистон 70 йилдан зиёд ўта давлатлаштирилган иқтисод шароитида ривожланди. Иқтисодни бошқаришнинг шундай давлат механизми (восита ва усуллари) ташкил топдики, уни бирдан йўқотилса, бозор механизми пайдо бўлиб улгурмаган шароитда хўжалик оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин. Бошқариш механизми йўқ жойда иқтисодий фалокат юз беради. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли давлат бошқариш тизгинини бирдан эмас, балки секин-аста қўйиб юбориши керак бўлади.

Ҳозирги иқтисод — умумлашган иқтисод, уни фақат давлат йўли билан ислох этиш мумкин, чунки у минглаб бир-бирига узвий боғланиб муносабат юритувчи корхоналардан иборатки, уларнинг бошини ҳозирги давлат қовуштириб туради. Ҳар хил даражада у қабул этган қонунларни ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда қатнашади. Шу қонунлар асосида ва давлат раҳбарлигида ислохотни амалга ошириш мумкин. Бизнинг давлатимиз Президент раҳбарлигида ўтказилаётган иқтисодий сиёсат иқтисод ривожига заруратни, ҳар бир шахс, жамоа, ҳудуд ва умуммиллий манфаатлар уйғунлашувини ҳисобга олади. Унинг таъсирчанлиги ва кучи илмий асосли бўлишида ва Ўзбекистоннинг хусусиятларини ҳисобга олиб амалиётдан нафли чора-тадбирларни кўзда тутишдадир. Халқ манфаатини давлат томонидан ҳисобга олиниши Ўзбекистонда ҳокимият манбаи халқ эканлигини билдиради.

3. Жумхураис Ислом Каримов ўзларининг "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" рисолаларида ўз дастурининг учинчи банди сифатида ҳамманинг қонунга итоаткор бўлиши, қонуннинг ҳамма нарсадан устун туришини шарҳлаб ўтадилар. Албатта, бу ҳуқуқий масала, лекин уни иқтисодга бевосита алоқаси бор. Гап шундаки, Олий Кенгаш қабул қилган кўпгина иқтисодга тегишли қонунлар борки, улар иқтисодий ўсишга қаратилган. Ривожланган иқтисод демократик давлатнинг, фуқаролар жамоасининг пойдеворидир. Биз демократик жамият сари борар эканмиз, у ерда қонун устуворлиги мавжудлигини унутмай, ҳозирданок қонунларга риоя этишни ўрганиш керак. Қонун олдида ҳамма тенг, уни бузишга ҳеч ким ҳақли эмас. Аммо амалиётда эскичасига қонунларни назар-писанд қилмай, уларни айланиб ўтишга интилишлар бор. Айниқса, буни солиқ тўғрисидаги қонунлар ижросида кўриш мумкин. Қонун йўли билан хусусий мулкка руҳсат берилди, аммо айрим мулкдорлар ўз ҳуқуқини рўқач қилиб, мажбуриятларини эсдан чиқарадилар. Қонунлар барча мулк шакллари тенглигини тақозо этади, лекин амалий ишларда нодавлат мулкни сиқиштириш ҳам учраб туради. Бизнингча, ҳозир қонунлар ижросини таъминловчи механизм устида фаол ишласак, Президентимиз дастурини амалга оширишга ҳисса қўшамиз. Президент давлатни халқ номидан бошқаради. Унинг дастури асосида халқ манфаати ётишини унутиб бўлмайди.

4. Президент дастурининг социал сиёсат ўтказишдек муҳим жиҳати мавжуд. Бу у кишининг олдинни кўра билишидан далолат беради. СССР, КПСС Сиёсий бюроси бор вақтдаёқ, И. Каримов Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми камбағал қатламга мансуб эканлигини очиқ-ойдин, қўрқмасдан айта олди ва уларни социал ҳимоя қилиш зарурлигини қайд қилди. Ўша вақтдаёқ у киши ташаббуси билан аҳолини социал ҳимоялаш юзасидан комиссиялар тузилганлиги ёдимизда турибди. Президент социал адолат жонбози, камбағалпарвар зот десак хато бўлмайди. У киши дастурида ночор кишиларни давлат ва жамоатчилик ҳимоясига олиш инсонпарварлик давлат сиёсатининг негизида туришидан далолат беради. Бу масалани фақат бозор иқтисодига ўтиш билан боғлаш етарли эмас, чунки бозор ҳақида гап бўлмаган вақтда ҳам унга И. Каримов эътиборини жалб этган эди. Кўп сонли кишиларнинг камбағал бўлиши тоталитар иқтисодий тузумдан қолган мерос эди. Социал масаланинг жиддийлашувини олдиндан идрок этиб, уни бартараф этиш чора-тадбирларини қўллаш Президент сиёсатининг истиқболга қаратилганлигидан дарак беради. Ўзбекистоннинг хусусиятларини назарда тутиб, "Қарахт қилиб даволаш" деб аталган усул — оммавий кашшоқлашиш орқали бозор иқтисодига ўтиш, яъни иқтисодни жонлаштиришнинг Польшада

синаб кўрилган ислохот усули инкор этилди. Бу усулнинг қўлланилиши ўзи камбағал бўлган кишиларни ўта қашшоқлантириши мумкин эди. Президент бу усул бизга қўл келмаслигани очиқ ва дадил айтди. Биз танлаган йўлнинг ўзига хослиги ҳам шундаки, фақат аҳоли ночор қатламларини социал ҳимоя қилиш орқалигина бозор муносабатларига ўтилади. Гап шундаки, бозор иқтисоди турмушимизни фаровон қилишда бир восита бўлиши керак. Агар у оммавий қашшоқланишга

олиб келса, бундай иқтисоднинг ҳеч кимга кераги йўқ. Тажриба кўрсатганидек, иқтисоди ҳали бақувват бўлмаган мамлакатларда социал қафолатни жамоалар таъминлай олмайди, айниқса улар ишламайдиган кишиларни ҳимоя қила олмайдилар. Шу сабабли бизнинг давлат мазкур аҳоли тоифасини ўз ҳимоясига олади. Давлат қафолатга олгани учун Тошкентдаги талабалар стипендияси Москвадаги ўртача стипендиядан 2—2,5 марта ортиқ. Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ҳукмрон, социал тўқнашувлар, оммавий тартибсизликлар йўқ, бунга бошқалар ҳавас қилади. Бу албатта адолатли, инсонпарвар, социал сиёсатнинг мевасидир.

Эндиликда Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида янги босқич — туб ўзгаришлар даври бошланмоқда. Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россияда юз бераётган воқеалар мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш масаласига янада жиддийроқ ёндашишни тақозо этмоқда. Биринчи галда меҳнат тақсмотини аҳолининг меҳнатга бўлган қизиқишидан ва манфаатдорлигидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш талаб қилинади. Масалан, И. А. Каримов айтганларидек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 6,5 миллиондан кўпроқ меҳнатга яроқли киши ишлайди. Шулардан бемалол уч-уч ярим миллион кишини хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш мумкин. Бошқа соҳаларда ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш ҳисобига меҳнатчилар имкониятларидан тўғри фойдаланишни амалга ошириш оқибатида аҳолининг ишга яроқли бўлган барча қисмини ижтимоий меҳнатга жалб қилиш, иш билан таъминланган ишсизларни фаоллик дунёсига олиб кириш, кўпчиликни боқимандалик психологиясидан қутқариш керак бўлади.

Бугунги кунда давлат бюджети даромад қисмининг 40 фоизи аҳолига дотация сифатида қайтаришмоқда. Президентимиз айтганларидек, давлатимиз аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишидан ҳамма, ҳатто бой бадавлат кишилар ҳам баббаравар фойдаланмоқдалар. Аслида эса, биз энди нарх-навоми назорат қилиш ўрнига уни аста-секин эркин қўйиб юбориб, маблағни мақтаблар, болалар боғчалари, дам олиш жойларини қуриш каби мақсадларга, аҳолининг фақат эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга сарфлашимиз зарур. "Келгусида биз секин-секин эркин нарх белгиланишига ўтамыз, — деди И. Каримов, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бағишланган кенгашда. — Бунда ҳар бир эҳтиёжманд оилага коммунал хизмат ҳақини тўлаш, товарлар сотиб олиш учун дотация берилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бундан сўнг ҳам давом эттирилади. Бироқ бозор муносабатлари бу масалага жиддий ўзгартиришлар киритишни талаб этмоқда. Бозор муносабатлари шароитида нархни истеъмолчининг талаби ва ишлаб чиқарувчининг таклифи белгилайди. Маъмурий буйруқбозлик ва ноз-неъматларни юқоридан тақсимлаш тизими ҳаммани қашшоқ ва тенг қилишга олиб боришини яқин 75 йиллик тарихимиз исботлади", — деди Президент ўз нутқида.

Эркин нарх-наво, меҳнат қилиш учун қулай ижтимоий ҳуқуқий шароитнинг яратилиши

аҳолига турмуш даражасини кўтариш учун талай имкониятларни очиб беради. Фуқаронинг яшаш манбаи фақат корхонадаги ишигина бўлиб қолмасдан, яна камида икки-уч хил фаолият унга қўшимча даромад келтириши керак. Иқтисодий эҳтиёжманд аҳолига ҳам маъқул бўлган иш ўринларини уюштириш, уларнинг ҳаётини қизиқарли ва баракали қилишга имкон берган бўлар эди. Ҳали бизда хизмат кўрсатиш соҳаси очилмаган

кўрик. Меҳнатга лаёқатлилар орасида нисбат 80 : 20 бўлмоғи, яъни ҳар бир моддий неъматларни яратувчига тўртта хизмат кўрсатувчи тўғри келмоғи лозим. Бу нисбатга аҳолининг ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмлари кирмайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай шароитда Президентимиз ички сиёсатининг марказий йўналишидир. Бу йўналиш Республиканинг ҳар бир тараққиёт босқичида янги мазмун, моҳият билан бойиб бораверади. Бунда иқтисодий тараққиёт, мавжудлик қонунлари устуворлик ролини ўйнайди ва бу савобли ишга нафақат меҳнатга яроқли, балки нафақа-хўрларнинг ҳам қатга қисми тортилади. Юртбошимизнинг эл билан бамаслаҳат қарорлари ва фикрлари халқимизнинг кўпчилик қисмида рўйхушлик ва миннатдорчилик кайфиятини барқарор кайфиятга айлантирмоқда.

5. И. Каримов бир неча бор ислоҳот ўтказишда шошқалоқликка йўл қўйиб бўлмайди, уни эҳтиётлик билан секин-аста ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Мазкур кўрсатма ҳам чуқур мулоҳазалар натижасидир. Дарҳақиқат, ўйламай-нетмай, тусмоллаб туриб ҳеч бир иқтисодий муаммони ечиб бўлмайди, айниқса, иқтисодий ислоҳотдек масъул ишни бажариб бўлмайди.

Шуни айтиш кифояки, ислоҳот биз учун мутлақо янги иқтисодий тизимни, бозор тизимини яратиши керак. Янгилик ҳеч қачон бирдан пайдо бўлмайди. Ҳар доим янги иқтисодга босқичма-босқич борилган. Бозор иқтисоди ҳам шу қоидадан холи эмас, албатта. Янгини яратмасдан эскини бузиш яхшиликка олиб келмайди. Масалан, бозор алоқаларини ўрнига қўймай туриб, планли хўжалик алоқаларини узиб юбориш ҳозирги МДҲ мамлакатларидаги чуқур тангликнинг бош сабабчиси бўлади. Шундан сабоқ олиш фойдали.

Ислоҳот негизида яратувчанлик, ижодкорлик ётади. Агар шошмашошарликка йўл қўйилса, бунёдкорликка эришилмайди. Яна шуни унутмаслик керакки, тоталитар планли иқтисод билан эркин бозор иқтисоди ўртасида ҳеч бир умумийлик йўқ, улар зид иқтисодий тизимдир. Улар бир-бирининг бағрида ҳосил бўлмайди.

Тоталитар иқтисоднинг бозор иқтисодига айланиши босқичма-босқич боради. Албатта, жумҳуриятнинг бозор муносабатларига кириб бориши ўз-ўзидан, осонликча кечмайди. Чунки, бизда бозор муносабатларига ўтишга ҳалақит берувчи бир неча омиллар бор.

Шулардан энг муҳими — "буюк социализм шарофати" билан ҳамманинг кўр-кўрона тенглиги тўғрисидаги афсонавий бир фикрдир. Бунга кўра, мулк хилма-хиллиги, бозор муносабатлари халқни албатта капитализмга олиб келади, натижада бой — бойга, камбағал — камбағалга ажралади. Шунинг учун ёмон бўлса ҳам, камбағал яшасак ҳам, шу эски тартиблар бизни қониқтиради, ҳеч қандай бозор муносабатлари бизларга керак эмас, деган консерватив фикрдир. Иккинчиси эса, яна шу социализмдан мерос бўлиб қолгани иқтисодий муносабатларни марказдан буйруқлар асосида бошқаришдир. Буларни бартараф қилиш узок даврни ўз ичига олади. Лекин бунга дадил, оммавий киришиб, халқимизни иқтисодий саводсизликдан олиб чиқишимиз, уларни оддий ижрочилардан уста, ўз-ўзини бошқарадиган ишбилармонларга айлантирмоғимиз керак.

Бозор иқтисодига ўтиш учун замин ҳозирлаб бориш зарур. Бунинг учун аввал иқтисодга оид, бозор иқтисодини яратишни кўзлаган юридик қонунлар қабул этилиши, бозорга хизмат қилувчи ташкилот ва идоралар (коммерция банклари, биржалар, савдо уйлари, консалтинг, инновация, инвестиция, маркетинг, аудитор фирмалари, аукционерлар, яхши ишлайдиган транспорт ва алоқа коммуникацияси) юзага келиши шарт. Энг муҳими бозор иқтисодига хос миллий тизим шаклланиши шарт. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, уни хусусийлаштириш зарур бўлади. Хилма-хил мулкчилик ва турли хўжалик юритиш усуллари жорий этилмаса, бозор иқтисодига хос рақобатчилик тизими

пайдо бўлмайди.

Ҳа, бозор муносабатларининг ўз мантиқи бор. Ким кучли, ақлли, тадбиркор, саводли, хунарманд, чўрткесар, меҳнатсевар, таваккалчи, тўғри бўлса, у яхши яшайди, бойийди. Ким тамбал, ишёқмас, хунарсиз ва илмсиз бўлса, у албатта қашшоқ яшашга мажбур. Бозор ҳар бир инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Бу ўқув-тарбия ишларимизнинг кўп жиҳатларини қайта кўриб чиқишимизни талаб қилади. Болаларни ёшлигидан тадбиркорликка, ишбилармонликка, эркинликка ўргатмоғимиз керак, халқни узоқ вақт қийнаб келган "ўзбекларнинг кўлидан ҳеч нарса келмайди", деган "тафаккур" сиртмоғидан олиб чиқмоғимиз, жумҳуриятимиз фуқароларини Япония, АҚШ, Германия фуқаролари сингари билимдон ва ишчан фуқаролар даражасига олиб чиқмоғимиз керак.

Бозор муносабатларига ўтиш комплекс тайёргарликни талаб қилади. Шулардан энг муҳими бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарур эканлигини англаш, унга ўтишнинг мураккаб эканлигига бу жараён бир қатор иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларни бошдан кечиришга бизларни мажбур этишлигини тушунишдир. Бунда жумҳуриятимиз ўзига хос йўл билан бозор иқтисодиётига ўтиш бу жараённинг собиқ иттифоқ мустақил республикалари билан маълум даражада боғлиқ эканлигини, охиргининг ижобий, айнаи вақтда салбий характерга эга эканлигини ҳам назарда тутмоғимиз керак. Мана, масалан, шу йилнинг 16 январидан бошлаб жумҳуриятда нархларни эркинлаштиришга ўтдик. Аслида нархлар эркинлашишидан кўра биз унинг кўтарилишини кузатмоқдамиз. Ҳар ҳолда халқимиз турмушнинг муҳим жиҳати бўлган нарх оламида жиддий ўзгаришлар бўлди. Хўш, бу ўзгариш фақат жумҳурият раҳбарияти хоҳиши ёки у иқтисодий ҳаётнинг тақозоси билангина содир бўлдими, йўқ. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа республикаларда нарх-навонинг эркинлаштирилиши жумҳурият иқтисодини четлаб ўтиши мумкинми? Йўқ. Агар жумҳурият озиқ-овқат ва кийим-кечакларнинг 60 фоизини, нефть маҳсулотларининг 90 фоизини, техника ва технологияга алоқадор маҳсулотларнинг каттагина қисмини четдан олиб келса, уларнинг нархи фоиз ҳисобига эмас, беш юз, минг, ҳатто ундан ҳам кўп марта ортиб кетган бўлса, жумҳуриятдаги илгариги нархни ушлаб туриш мумкинми? Албатта, йўқ.

Эркин нарх-навога ўтиш бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим элементи эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Одатда нарх-наво эркинлиги, мулкчилик хилма-хиллиги эркин ишлаб чиқариш рақобатининг маҳсули булмоғи керак. Бугунги эркин нарх-наво моддий неъматларни эркин ишлаб чиқариш билан боғланмаган ҳолда, тўғрироғи ташқи иқтисодий муҳитнинг актив таъсири остида амалга ошади.

Бу ҳолат назаримда ҳаммамизни ҳушёрликка, жавобгарликни жиддий ҳис қилишга, иқтисодий, сиёсний ҳаётни актив ва синчковлик билан таҳлил қилишга, эртанги кунни — тўғрироғи, оқибатни ҳисобга олган ҳолда қадам қўйишга ўргатмоғи керак. Бозор муносабатлари фақат таваккалчиликни эмас, балки жиддий ҳисоб-китобни, таҳлилни, воқеаларни олдиндан кўра билишни, ҳалоллик, мардлик, қонунга қаттиқ амал қилишни ҳам тақозо қилади.

Объектив, субъектив факторлар ҳисобига вужудга келаётган иқтисодий қийинчиликлар жумҳуриятдаги барча имкониятларни инвентаризация қилишни, улардан фойдаланишнинг барча воситаларини кенг кўламда ишга солишни талаб қилади. Шулардан бири жумҳуриятдаги ишчи кучидан эффектив фойдаланиш, ишсизликнинг олдини олишдир. Иқтисодчиларимиз ҳисоб-китобларига қараганда, жумҳуриятимизда ишсизлар сони кўпайди. Бунга йўл бермаслик учун, менинг назаримда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва корхоналарни хусусийлаштириш, турли-туман мулк шакллари қарор топтиришни тезлаштириш ва кенгайтириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда катта-кичик корхоналарни вужудга

келтиришни янада кўпайтириш, эркин зоналарни барпо этиш, чет эл капиталининг катта миқдорда кириб келишини таъминлаш лозим. Бундан ташқари жумҳурият иқтисодий тараққиёти йўналишларини вақтида олдиндан тўғри аниқлаб олиш ва шунга мос ҳолда ишчи кучларини тайёрлаб бериш ва уларнинг эркин тақсимланишига шароит яратиш ҳам бу масалани оқилона ҳал қилишга кўмаклашади. Бугунги кунда ишчи кучларига талаб ва таклифни уюштирувчи ташкилотлар алоҳида-алоҳида мавжуддир. Энди тезлик билан ишчи кучларига алоқадор бўлган ташкилотлар, корхоналарни замонавий компьютерлар ёрдамида бир-бири билан боғлашимиз, улар фаолиятининг самарадорлигини оширмоғимиз керак.

Жумҳуриятимиз бой заминга эга. Унинг ери олтин билан баробар. Назаримда масала шу олтин ерни аввайлаб, асраб ишлатишдадир. Биз турғунлик йилларида кўрик — бўз ерларни аёвсиз ўзлаштирганлигимиз билан мақтаниб юрдик. Шулар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда, деб гердайдик. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳатто бугун ҳам кечаги сингари кўпчилик хўжалик раҳбарлари иқтисодий масалаларга эскичасига — экстенсив тафаккур билан ёндошмоқдалар. Биз ердан интенсив фойдаланишга, ҳар бир қарич ернинг ҳосилдорлигини оширишга кўчмас эканмиз, ҳар бир қарич ерни абадий ўз эгасига бермас эканмиз, унда ишлаётган меҳнаткашнинг қулоёғини эркин қўймас эканмиз — халқимизнинг қорнини ҳам тўйдира олмаймиз, бадавлат ҳам қила олмаймиз.

Умуман, жумҳурият қишлоқ хўжалигининг бозор муносабатларига кириш шароитидаги истиқболлари кўпчиликни ташвишга солаётганлиги табиий ҳол, албатта. Масалани ҳал қилиш бўйича айримлар зудлик билан колхоз ва совхозларни тугатиб, уларнинг ерларини ва бошқа моддий бойликларни деҳқонларга беришни ва ҳатто сотиб юборишни таклиф қилса, айримлар, бунинг радикал акси бўлган вариантларни таклиф қилишмоқда. Менинг назаримда, масалага диалектик ёндошиш уни жумҳурият қишлоқлари аҳолисининг аҳволини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тараққиёт даражасини, унинг бундан кейинги ривожланишига сарф қилиш мумкин бўлган сармоянинг ҳажмини ҳамда хоҳлаймизми-йўқми, хўжалигимизнинг бундан кейинги истиқболини белгилайдиган бозор муносабатлари механизмларини ҳисобга олган ҳолдагина ҳал қилиш мумкин, холос. Чунки шошма-шошарлик билан колхоз-кооператив ва давлат мулкни бирдан тугатиш ўринсиз бўлиб, катта зарар келтириши мумкин.

Ўтиш даврида колхоз-кооператив, давлат мулки иқтисодий мустақиллик учун таянч бўлиб хизмат қилади. Унинг фермерларга ва бошқа шу турдаги хўжаликларга ҳар жиҳатдан ёрдами каттадир. Келажакда унинг асосида деҳқонлар, давлат хўжалиги ишчиларининг ассоциациялари, ўз ҳиссаларига эга бўлган мулкдор деҳқонларнинг янги типдаги умумий хўжаликлари пайдо бўлар. Булар иқтисодий гипотезалар, албатта. Бугун санокли йиллар ичида Ўзбекистон деҳқончилигини тубдан ўзгартириш, унинг самарадорлигини кўтариш ҳақида бош қотиришимиз керак.

Шу ўринда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш орқали уларнинг турмуш даражасини кўтариш ҳақида ҳам айрим фикрларни баён қилмоқчимиз. Жумладан, биринчиси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳатто жумҳуриятдаги йирик шаҳарларга ҳам ташиб ўтирмасдан, ишлаб чиқарилган ҳудуднинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйишимиз керак. Бунинг учун хусусий кичик корхоналарни, чет эл фирмалари билан қўшма корхоналарни қуришга зудлик билан киришиш зарур. Уларни тез ўзгарувчан солиқлар орқали рағбатлантириш катта фойда беради. Иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишининг мавсумийлигини ҳисобга олиб, экин-тикинлар йиғиштириб олингандан кейин уни жойларда қайта ишлаш билан шуғулланиш учун кенг имкониятларни вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга. Учинчидан, азалдан қишлоқ аҳлимиз ўз ҳунарлари билан — дўпписи, чойшаби, этик-махсиси, пичоғи, кулолчилиги, дурадгорлиги билан

машхур бўлган халқ. Халқнинг бу амалий фаолиятига бозор руҳини бериш қишлоқ аҳолиси орасида ишсизликни анча камайтиради. Тўртинчидан, биз тезроқ шаҳарларимиздаги турар жойга кўра рўйхатга олиш (прописка) масаласини ҳал қилишимиз керак. Жумҳурият ичидаги миграциянинг кучайишига ҳуқуқий шароитни кенгайтиришимиз зарур.

Бугунги кунда бир тоифа одамларнинг чексиз бойиб кетиши, бошқа тоифадагиларнинг эса камбағаллашишига қарши ички бозорни ҳимоя қилиш, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича чоралар кўрилмоқда. Бу чора-тадбирларнинг ҳаммаси аҳолининг, биринчидан, бозор муносабатларига ўтишларида ўзларини ўнглаб олишлари учун, иккинчидан эса, энг муҳими, бозор муносабатларига уларнинг актив кириб боришлари учун яратилган шарт-шароитдир. "Ўтиб еганга тоғ чидамас" — дейди доно халқимиз. Аҳоли қандай шарт-шароитда яшамасин, агар у қайси бир даражада ишлаб чиқаришда иштирок этмаса, уни узоқ вақт ҳеч ким очлик ва муҳтожликдан сақлай олмайди. Чет эл садақасига, ёрдамига умидвор бўлиб, унга кўз тикиб стиш, тайёр нарсаларнигина пуллаб кун кечиришга мослашиш ҳалокатнинг аломатидир.

Бозор иқтисоди кўпчилик ўйлаганича оддий бир нарса эмас, у мураккаб ва кўп қиррали иқтисод, унинг белгиларини бирин-кетин шакллантириш мумкин. Бозор иқтисодига ўтишни сунъий равишда шароитни ҳисобга олмай жадаллаштириш ҳам, унга ўтишни пайсалга солиб, орқага суриш ҳам ўринсиздир. Бизнинг буюк келажагимиз бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ. Бас шундай экан, шароит етилишига қараб бозор иқтисодига босқичма-босқич ва изчиллик билан ўтиб боришимиз турган гап.



## БАРҚАРОРЛИКНИНГ СИРИ

Улуғлар ҳамиша юртига тинчлик-хотиржамлик тилаб дуо қилишган. Чунки юртнинг осойишталиги, унинг бойлиги, юксалиш манбаи, мамлакатлараро обрў-эътибор гарови тинчлик эканлигини улар яхши билишган. Яратганга минг-минг шукурларким, республикамизда улуғлар тилаган тинчлик-хотиржамлик, мустақилликни мустаҳкамлашга сафарбар қилинган яратувчанлик ҳукумрон.

Бу ҳолатнинг сири, очиғи, нафақат хорижлик сиёсатчиларни, журналистларни ҳатто ўзимизни ҳам қизиқтиради. Бутун бошлиқ социалистик системанинг емирилиши, СССРдек буюк давлатнинг чок-чокидан кетиши, қатор мустақил давлатларнинг вужудга келиши ва ўз йўллари топиб ривожланиши, кўриб турибмизки, ҳамма ерда тинч ва осойишта содир бўлаётгани йўқ.

Айни вақтда бундай йирик, оламшумул тарихий жараён айрим давлатларда тинч ўтиши мумкин эканлигини ҳам тарих кўрсатмоқда. Бунда мазкур давлат халқининг ижтимоий табиати, ундаги сиёсий муносабатларнинг йўналиши, муҳими, сиёсий йўлбошчининг етуклиги, унинг иродаси ва характери, омилкорлиги ва ишбилармонлиги, жасорати ва саъйи-ҳаракатлари, умуммақсад бирлигининг халқ томонидан англаниши кабилар муҳим роль ўйнайди.

Республикамиздаги осойишталик, ҳамжиҳатликнинг сирини мен юртбошимизнинг шошмасдан, изчил, мақсадга мувофиқ, донолик ва жасорат билан олиб бораётган сиёсатида кўраман.

Бугунги кунда республика аҳли халқ танлаган Президентимиз сиймосида истиқлол, тинчлик ва осойишталик рамзини кўриб, унга юксак ишонч билдирган. Бу сиёсий ҳолатни мен халқ Президентини, Президент айни вақтда халқни топди деб ифодалагим келади.

Халқнинг президентни топишида Ислом Абдуғаниевичнинг шахсий сифати, унинг халқ берган ваколатга садоқат ва масъулият билан қараши, ўз келажаги, маҳоратини халқнинг истиқболи, тинчлиги, осойишталиги, фаровонлигига бағишлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Сиёсатшунослар сиёсий раҳбарларни эгоцентрик (ҳаёт мен ва менинг шуҳратим учун), альтероцентрик (ҳаёт менинг қариндошларим, яқинларим учун) ва социоцентрик (ҳаёт халқим, унинг бахтли турмуши учун) каби типларга бўладилар. Мен у кишини фуқаро, иқтисодчи, сиёсатчи, юртбоши сифатида яхши билганлигим учун Ислом акани сиёсий раҳбарларнинг социоцентрик типига киритаман.

Президентимиз халқни топишини эса неча минг йиллар оша ўзига хос географик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитнинг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ўзига бек халқимнинг ижтимоий табиатида кўраман.

Ўзбек халқининг ўзига хос табиати тарихнинг шонли ва қонли саҳифаларининг йиғиндиси сифатида шаклланди. У тарихдан хулосалар чиқариб тарих яратди, ўзини жаҳонга, жаҳонни эса ўзига танитди. Шу жараёнда унинг ўзига беклиги тобора тобланиб борди. Тадқиқотлар ўзбекларнинг азалдан тинчлик-севар халқ бўлганлигини, урушқоқлик, жангарилик халқимизнинг табиатидан йироқ эканлигини тасдиқлайди, лекин айни вақтда унга тегса, уни нотинч қилса, у ҳолда нафақат унинг йигитлари, ҳатто аёллари ҳам эр бўлиб кетганлигини қайд қилади.

Кўшни, ўзга халқларни қадрлаш, уларда ўзига дўстини ва оғасини кўриш учун бутун борлигини инъом қилишга тайёр туриш Ўзбекистонликларга хос фазилатдир.

Ўзбеклар табиатан бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган халқ. "Давлат — оғиз бирлигида" дейди доно халқимиз. Яъни кишилар бир-бирини тўғри тушунсалар, бир ёқадан бош чиқазиб, иттифоқ бўлсалар бойлик, муваффақият, омад уларнинг қўлида бўлади.

Бундан ташқари назаримда халқимиздек куюнчак, бир-бирига беғараз ёрдам қўлини чўзадиган, бировнинг дардига малҳам бўлишга шошиладиган халқ оламда бўлмаса керак. Куюнчаклик, меҳр-мурувват бор жойда бир-бирини тушуниш бор. Бир-бирларини тушуниш айии вақтда бирликнинг, осойишталикнинг гаровидир.

Осойишталикнинг бош гарови халқнинг ўз сиёсий раҳбарига ишонишидир. Халқнинг бу тарихий сифати неча-неча синовлардан ўтиш жараёнида унинг турмуш тарзига айланиб қолган. Албатта, тарихий тараққиёт тасодифларсиз содир бўлмайди. Унда маълум алданишлар, адолатсизлик, разолат ҳам бўлган. Лекин кўпчилик ҳолда халқ ишонган юртбошилар халқ юзини ерга қаратмаган, уларнинг кўпчилиги элнинг ори, номуси йўлида фидоий хизмат қилганлар. Буни биз довюрак ва доно юртбошимиз И. А. Каримов тимсолида кўраимиз.

Халқнинг суюкли раҳбарига айланмоқ учун юртбоши ўз халқини севмоғи, эъозламоғи, асрамоғи, унга сиғинмоғи зарур. Шунда халқ унга юрагининг тўридан жой беради. Нонкўр, сўқир "сиёсатчилар", "десантчилар" томонидан топталган, оёқ ости қилинган ўзбек халқининг ор-номусини, миллий қадриятларини, ўзбекнинг ўзбек деган улуғ номини қайта тиклашда Ислом аканинг кўрсатган фидоилигини халқимиз яхши билади.

Маълумки, XX асрнинг 80-йиллари халқимиз тарихига ўзбек миллати устидан қўзғатилган сохта жиноий иш туфайли даҳшатли тухмат ва қабоҳат йиллари сифатида кирди. Собиқ марказнинг "сиёсий ишбилармонлари" томонидан бошқа республикаларга кўрсатиб қўйиш учун "ўзбеклар иши" уюштирилди. Бунда бутун бошлиқ бир миллат "ёппасига" жиноятчиликда айбланди, гуноҳсиз, ўз меҳнати, турмуши билан эл оғзига тушган, миллатимизнинг фахри бўлган не-не ватандошларимиз аввал қамоққа олинди, кейин эса улар устидан жиноят бўхтони тўқилди. Тухмат, фитна, зўрлашнинг энг сўнгги усулларида фойдаланган "десантчилар" бегуноҳ кишиларни сохта "айб"ларини тан олишга мажбур қилдилар. Газета, радио, телевидение орқали ватандошларимиз обрўсини истаганча тўқиш улар учун ҳеч гап эмас эди. Инсоннинг хўрланишидан қулиш, унинг виждонини балчикқа булғаш, отани бола олдида, давлат раҳбарини эл олдида, олимни шогирд олдида хўрлаш сингари қабоҳат "кўрикларини" уюштирдилар. Болани отадан, хотинни эридан ажратиб сарсон-саргардон қилдилар. Миллатнинг ақли ва фахри бўлган зиёлиларни сиёсий бўғизлаш йўлларини, йўқ қилиниши керак бўлган ўзбеклар рўйхатини тузиб чиқдилар. Тириклар қамоқхоналарда қийналган бўлса, мархумлар бадном қилинди, руҳи чиркиради.

"Ўзбеклар иши" нафақат хорижда, ҳатто ўзимизда ҳам гипотетик характердаги ижтимоий фикрни шакллантира бошлади. Айрим гуруҳлар бир-бирларига, дўст-биродарларига, қариндош-уруғларига, бой ва қадимий тарихию-маданиятига, ўзлигига, борлигини халқига бағишлаган соф, ҳалол раҳбарлари шахсига ҳам шубҳа билан қарай бошлади. Мазкур қайфият кишиларнинг айрим гуруҳида маълум ишончга ҳам айлана бошлади. Шу туфайли улар "ўзбеклар иши" компаниясининг хизматига ҳам ўтиб кетдилар. Натижада халқнинг ўзига бўлган муносабатида маълум парокандалик, эсанкираш ҳолати пайдо бўлди.

Мамалакатда бундай сиёсий-ижтимоий вазият қалқиб турган бир шароитда ҳар қандай раҳбар ҳам топталган улусининг ори деб ўзининг шахсини қалқон қилавермаслигини тарўхдан биламиз. Аммо шундай тарихий вазифани Ислом Абдуғаниевич адо этди.

Ўзбек халқининг садоқатли фарзандларининг тарихий номлари, обрўлари тикланди.

Бу ўринда Республикаимизнинг иқтисодий ва сиёсий қудратини тиклаш ва кўтаришда катта хизматлар қилган Ш. Р. Рашидовнинг пок номи тикланиши шу давр қурбонлари ори, номуси тикланишининг рамзий яқуни бўлди. Ш. Рашидовга қўйилган ҳайкал эса 80-йилларда қатағон қилинган кишилар хотирасига қўйилган ҳайкал бўлиб қолди.

Бундай олижаноб ишлар халқимизнинг руҳини кўтарди, унда адолатнинг қарор топишига ишонч ҳиссиётини уйғотди. Халқ ўзига, эртанги кунига умид, ишонч билан қарай бошлади. Бу эса ўз навбатида халқни уюштира оладиган, янгилайдиган, ҳар қандай қийин

вазифаларни ҳал қилишга сафарбар қила оладиган ниҳоятда катта моддийлашган сиёсий кучдир.

Мамлакатдаги осойишталик Президентимиз Ўзбекистон заминиде яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир миллатнинг манфаати, ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган инсон парвар ва ватанпарвар миллий сиёсатининг натижасидир.

Юртбошимизнинг: "Биз яхши англаймизки, ўз иззати ва қадрини билган инсон миллат ажратмайди. Ўз кучи ва келажига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади," — деган сўзлари ғоят ибратлидир.

Худога минг қатла шукурки, ўзбекларнинг бошқа халқларга муносабати яхши. Юртимизда яшаётган бошқа халқ вакиллариға одилонга қараш, уларға меҳрибонлик қилиш биз учун маънавий бурчға айланган.

"Истиқлолга эришган халқ ўзгаларға зуғум қилмайди. Маълумки, тазйиқ ва таҳқир туйғуси аламзадалик уйғотади. Биз эса тазйиқ ва таҳқирдан қутулган, ўз қадрини билган халқмиз. Ўз кучиға ишонган ва ўзгаларға ҳамдард бўла олишға қодир эркин халқмиз" — Президентимиз айтган бу сўзлар республикадаги тотув миллатлараро муносабатни қарор топтиришнинг сиёсий ва назарий асосидир.

Бугун Ўзбекистондаги миллатлараро ҳамкорлик руҳи бир республика доирасидан чиқиб, илиқ бағриға бир неча мамлакатларни олмақда. Президентимиз асос солган келажакки порлоқ Марказий Осиё республикалари ҳамжихатлиги барпо бўлди. Мазкр ҳамжихатлик бугун Марказий Осиё мамлакатлари томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Бекорға халқ: "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" — демаган. Бирлик, осойишталикнинг меҳригиёси шунчалик кучлики, у масофани, чегарани билмайди. Дўстона ҳамкорлик давлатларни фаровонликка олиб келади, бир-бирининг моддий, маданий жиҳатдан бойишини таъминлайди, халқаро обрўсини оширади. Мана кунни кеча наврўз тантаналари муносабати билан тарихда биринчи марта АҚШ Президенти Республикамизни муборакбод этди. Бу эндигона икки баҳорни кўрган мустақил Республикамизнинг жаҳон ҳамжихатлиги шохсупасида муносиб ўрин олганлигининг ёркин далилидир.

Мамлакат осойишталигининг муҳим заминларидан бири Ислон аканинг республика таракқиёти йўлларини аниқ белгилаб беришидадир. Давлатнинг келажаккини, бу келажакка эришиш йўлларини яхши тасаввур қила олган, билган, мустаҳкам иродали раҳнамогона уни мунаввар мақсадға етказа олади. Президентимиз бизларни аниқ мақсад сари бошлар экан, халқ бу савобли ва саховатли ишда у кишиға ҳамиша мададқордир.

Мамлакатдаги сиёсий барқарорликнинг муҳим сабабларидан яна бири, аҳолини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан кучли даражада ҳимоя қилишға қаратилган ҳаётий сиёсатдир. И. А. Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли" китобида: "Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олгандагона инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларға, айниқса, ёрдамға муҳтож бўлганларға, ижтимоий ночор қатламларға, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларға ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак", — деб ёзадилар. Аҳоли учун нон, озиқ-овқат маҳсулотлари бугунги кунда иқтисодий товарлар эмас, балки сиёсий, ижтимоий товарлар оканлигини юртбоши қайта-қайта айтдилар. Аҳолининг бу маҳсулотларға бўлган талабини ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан етарли даражада қондириш ҳукуматнинг биринчи даражали вазифаси бўлиб қолди. Натижада аҳолини иқтисодий ҳимоялаш республикамизда бугун шунчаки сиёсат эмас, балки реал ҳаётға айланди. Иқтисодий ёрдамға муҳтож бўлганларнинг, умуман аҳолининг турмуши бугунги кунда МДХ давлатлари орасида юқори даражалардан бирини эгаллайди. Республикада аҳолининг турмуш даражасини кўтаришнинг барча йўналишларини янада мукамаллаштириш устида ишлар амалға оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда энг кам ойлик миқдори 11250 сўмни, ўртача пенсия миқдори 18100 сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич Россияда — 4275; 8122, Қозоғистонда — 4500; 5000, Қирғизистонда (рублга чаққанда) — 3200; 3200, Тожикистонда — 2000; 2000. Россияда энг кам ойлик маош миқдори билан энг юқори ойлик маош ўртасидаги фарқ 22 баробардир.

Юртбошимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги меҳрибонликлари аҳолининг турли қатламлари ўртасида шукроналик уйғотмоқда. "Мен 23 йилдан бери Ўзбекистонда яшайман, — деб ёзади Зарафшондан Е. Т. Морозова, — Ўзбекистонда яшаётганлигимдан бахтиёрман. Менинг яқин қариндошларим Россия, Қозоғистон, Украина ва Қирғизистонда яшайди. Уларнинг ҳал бўлмаган ҳаётий муаммолари шу қадар кўпки, баъзилари ниҳоятда қашшоқ яшайди. Мен эртанги кунимдан хотиржамман. Иккита ўғлимни ўзим вояға етказдим. Улар очлик нима, яланғочлик нима эканлигини билишмаган. Буларнинг ҳаммаси учун Сизға, Ислон Абдуғанисвич, раҳмат. Олиб бораётган доно сиёсатингиз учун катта раҳмат. Узоқ йиллар соғ бўлинг. Сизнинг сиҳат-саломатлигингиз фақат Сизғагина эмас, балки Ўзбекистонда яшаётган барча халқларға керак".

Иқтисоднинг сиёсатдан, ҳар қандай мафкурадан озод бўлиши одамларнинг ўз қобилиятларини намоиш қилишлари учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Уларнинг

ўзларига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда. Эркин меҳнат, яратиш рақобати одамлар орасида бекорчи гапга ўрин қолдирмаяпти. Аҳоли яратиш билан банд экан, демак, унинг ҳаёти тинч, осойиштадир. Эътиқоди осойишталик бўлган Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек, "дил ба ёру даст ба кор", — яъни "дил ёр (худо) билан, қўл иш билан банд бўлсин". Ана шунда мустақилликка фаровонлик, фаровонликка осойишталик, осойишталикка имон кириб келади.

Албатта, аҳолининг маълум бир қисмида бозор муносабатларининг мевалари бўлиб кўринаётган "сотиб ол — сот" қабилда ғайриқонуний амаллаштириш натижасида давлат хазинасига бир мири ҳам туширмай бойиб бораётган устаси фаранглар фаолияти норозилик кайфиятини туғдирмоқда.

Халқ Президентнинг иқтисодий сиёсатини шунинг учун ҳам қўллаб-қувватлайдики, унда республика аҳолисининг кўпчилик ижтимоий гуруҳларининг манфаати акс этган. Давлатимиз раҳбарининг ички сиёсати асосида халқ манфаатини билиш, уни тушуниш ва сиёсатни ундан келтириб чиқариш, умумдавлат манфаатини халқ манфаатига мувофиқлаштириш ётади. Айни вақтда халқ билан ҳукуматнинг бир-бирини тушуниши мамлакат осойишталигининг муҳим гаровига айланиб қолди.

Мамлакатдаги бундай ижтимоий муҳит ўз ўрнида ҳукумат учун мақсадга мувофиқ бўлган режали иқтисодий янгилашларни амалга ошириш учун қулай имкониятни яратди. Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий бозор муносабатларига ўтиш йўли унинг нафақат бугунги куни балки узоқ келажаги учун ҳам оқилона танланган йўлдир.

Халқнинг осойишта турмушини қарор топтириш учун уюшган жиноятчиликка, одам ўлдириш, номусга тажовуз қилиш, босқинчилик, талончилик, товламачилик, давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилиш, фуқаролар мулкини ўғирлаш қабиларга қарши Президентимиз бошлаган адолатли ва хайрли иш бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Элда бугун эртанги осойишта кунга, демократик ҳукуқий давлатнинг қарор топишига, қонун олдида ҳамманинг бир хил жавобгар бўлиши мумкин эканлигига ишонч пайдо бўлди. Бу кайфият республика аҳолиси орасида тартиб-интизомни англанилган ҳолда қарор топтириш учун кураш имкониятини туғдирди. Ҳақиқатда ҳам, тартиб-интизомни, адолатни, аҳолининг ҳимояланишини қарор топтирмасдан туриб, иқтисодий ислохотни ҳам амалга ошириш, келажаги буюк давлатни ҳам вужудга келтириш мумкин эмас. Бу ўринда муҳими, жумҳураисимизнинг халқ дардини ўз вақтида сезганлиги ва унга малҳам бўлиб, омилкор усулларни белгилаб берганликларидадир. Зўравонликдан зада бўлган халқ Президентнинг омилкор тадбирини маъқуллаб, унинг номини хутбага қўшиб ўқимоқда. Демак, Президентимизнинг халқ осойишталиги учун олиб бораётган комил сиёсатлари халқнинг юрагига етиб бормоқда.

Сиёсий осойишталикнинг яна бир муҳим омили Республикада ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг изчил ва пешма-пеш демократлашишидир. Бугун бу ҳолатга турли кишилар турли назар билан қараб турлича хулосалар чиқармоқдалар. Ислом Абдуғанисвич "Комсомольская правда" газетасининг муҳбири саволларига берган жавобларида: "Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар, тан оламан, эҳтимол менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман, тарихнинг муайян даврларида ҳукуқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса, бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида ҳарҳолда кучли ижроия ҳокимияти зурур. Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун шундай бўлиши керак", — дедилар.

Мен журналистларнинг Ислом Абдуғаниевичга берган Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг ҳолати билан боғлиқ бўлган саволларини икки хил тушунаман. Албатта, биринчидан, уларни янги давлатдаги янги сиёсат қизиқтириши табиий, иккинчидан эса, мазкур саволларни бериш айрим журналистлар жаҳон жамоатчилигининг диққатини пашшадан ясалган сохта филга тортишга ҳаракат қилишларидир.

Улар 200 йилдан ортиқроқ давр ичида демократик принциплар сиёсатининг қон-қонига сингиб кетган давлатларнинг фуқаролари бўлганликлари учун ҳам, шуни яхши билишлари керак эдики, демократик жамиятда яшаб турган фуқаролар, шу жумладан мухолафат ҳам ўзлари яшаётган жамиятнинг тақдири учун масъул ҳисобланади. Мухолифлик фақат фикрлар, эътиқодларни эркин ифодалашгина эмас, балки мамлакат осойишталиги, фаровонлиги олдида жавоб бериш ҳамдир. Обрў эътибори бор мухолиф ҳокимиятга нисбатан ўзини нақадар андишали тутса, унинг қадри шунча ортади ёки аксинча. Ҳокимият билан мухолафатнинг мurosаси Конституция нормаларидан келиб чиқади.

Агар муҳолафат Конституция нормаларидан ташқари чиқиб, мавжуд давлат тизимларининг фаолиятига ҳалақат берса ёки тажовуз қилишга ҳаракат қилса, бундай шароитда демократиянинг муҳим қуролиларидан бири бўлган қонунчилик улар фаолиятини маълум маънода тартибга солиб қўйиши зарур. Бу — мамлакат, эл осойишталиги ва фаровонлигининг талаби. Президентимиз олиб бораётган сиёсатни авторитаризм ёки диктаторлик билан боғлаб тушунтиришга уринаётганлар фикрига мутлақо қўшила олмайман. Чунки, жуда кўплаб Жанубий Корея, Греция, Чили каби мамлакатларнинг ўтиш даврига хос бўлган тарихий сабоқлари шуни кўрсатадики, бир ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидан иккинчи хил ишлаб чиқариш муносабатлари тизимига ўтиш бениҳоя қийин ва мураккаб шароитда амалга ошади. Бунда мамлакатдаги барча партиялар, сиёсий ҳаракатлар ва кучлар ислохотни амалга оширувчи бўлмасдан, балки фақат яккаю-ягона давлатгина ислохотчи бўлмоғи керак.

Халқ ўз ишонч ёрлиғини берган Президент қонуний равишда давлат тизимининг барча структуралари жиловини қўлида маҳкам ушлаб, белгиланган стратегияга кўра мамлакат тараққиётини ишонч билан бошқариб бормоғи лозим. Бу икки қарра икки тўрт каби тарихий ҳақиқатдир. Шу важдан Ислом Абдуғаниевич олиб бораётган сиёсатни кимлар қандай ном билан атамоқчи бўлишларидан қатъи назар халқимиз, жаҳон жамоатчилиги кўз олдида битта ҳақиқат мавжуд. Бу ҳам бўлса Республикадаги осойишталик, халқ ҳаётининг тобора фаровонлашиб, кўрамлашиб бориши учун қўйилган мустаҳкам заминдир.

"Чуқур ва кенг демократиянинг" оқибатини бошқарувнинг жиловини тўрт томонга қўйиб юборган, янги тетапоя бўлаётган мустақил давлатлар ҳаётида кўриб турибмиз. Минг-минглаб бегуноҳ кишилар қони дарё бўлиб оқаётганининг, шаҳарлар ва қишлоқларнинг вайрон бўлаётганлигининг, ватангадоликда юрган сонсиз қочоқларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бундан шундай хулоса чиқадики, халқ учун, унинг осойишталиги учун ҳар кунги митингбозлик, намойишбозлик, ҳақорат, камситиш, шарм-ҳаёсиз амал талашиш демократиями ёки уни ҳамма томондан муҳофазалашга, Конституция ва қонунларга риоя қилган ҳолда мамлакатни собитқадамлик билан уйғунлаштириб қатъий интизом, тартиб билан бошқариш демократиями?

Ижтимоий ҳаёт табиий-тарихий жараён дир. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ўз вақти-соати бор. Ривожланган ғарб мамлакатларига хос бўлган демократик муносабатларни мамлакатимизда бир ярим йил ичидаёқ кўришни хоҳлаганлар уни албатта инсон ҳақ-ҳуқуқлари гармонияси қонунияти талабига мос даражада яқин йилларда кўрадилар. Бунга давлатимизда бақувват замин қўйилган. Бу жараён изми билан ривожланиб бормоқда. Унинг ривожланиши ва истиқболи учун аҳиллик, бирдамлик, ватанпарварлик ҳамда осойишталик зарур. Демократик принциплар осойишталикка, осойишталик эса ўз навбатида демократик принципларнинг чуқур илдиз отишига хизмат қилмоғи лозим. Буни хорижлик журналистлар ҳам, ўзимизнинг муҳолафат ҳам яхши тушунмоғи керак.

Нуроний қарияларимиз ҳар доим: "Илоҳим юртимиз тинч бўлсин, халқимизнинг тани-жони соғ бўлсин", — деб дуо қилишади. Оллоҳ холисона ниятларимизни, пок мақсадли илтижоларимизни эшитиб, бизни бало-қазолардан ўзи асрамоқда. Бунга юртимиздаги ҳар бир мўмин-мусулмон ишонч ҳосил қилди. Бу ҳақ гап. Қачонки юртбоши халқни ўйласа, халқ ўз юртбошчисига қарашса Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Ҳадисда айтилганидек, ер юзидаги уламолар бамисоли осмондаги юлдузлар каbidир. Ерда ҳам, сувда ҳам уларга қараб йўл топилади. Юлдузлар ботса, йўлчилар адашиши мумкин дейилади. Юлдузнинг ботиши айни вақтда юртнинг, халқнинг ўз йўлидан адашишидан нишондир. Йўлдан адашган халқ ўлимга, зулматга маҳкум зтилган халқдир.

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик том маънодаги реалист, қийинчиликларни яшириб ўтирмайдиган, уларни тан олишдан кўрқмайдиган, мустақил ва жасур, ўз позициясидан чекинмайдиган оптимист И. А. Каримов олиб бораётган ташқи сиёсат билан ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир. Инсоннинг уйи ҳам ички, ҳам ташқи томондан муҳофазаланган бўлиши керак. Бу муҳофазалар бир бирини тўлдирмоғи лозим.

"Кўшнинг тинч — сен тинч" деган халқ мақоли бор. Бизда осойишта муҳитни қарор топтиришда юртбошимиз шу принципдан келиб чиқдилар. Шунинг учун ҳам мустақил Марказий Осиё республикалари билан дўстона, қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан қалин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш, илмий-маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатини ғоят муҳим, устувор йўналиши ҳисобланади.

Кўшни Тожикистондаги нохушликларни биз ўзимиздаги нохушлик деб билдик, Президентимиз унинг олдини олиш учун биринчи бўлиб жаҳон жамоатчилигига бонг ўрди. Тожикистондаги фуқаро урушининг хатарли оқибатларини бартараф этиш юзасидан БМТ Бош қотиби Бутрос Ғолий жанобларига мурожаат қилдилар, ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларини сезгирликка чақирдилар. Тожикистон халқига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Тожикистон ерига ҳам осойишталик ва меҳнат кириб келди. Бу билан ўзимизнинг Ватанамизда ҳам осойишталикнинг муҳим замини яратилди. Эл тинч ухлаб турадиган бўлди. Ҳадисда ҳам айтилганидек, қайси бир одам бирор мўмин биродарининг бошига мусибат тушиб, обрў ва ҳурматига путур етиб турганида унга ёрдам қўлини чўзмаса, ўзининг бошига кулфат тушиб, нажот тилаганда Тангри ҳам унга ёрдам бермайди. Агар, аксинча ёрдам қўлини чўзса, Тангри ҳам унинг ҳожатига мададкор булади, деб ёзилган.

Ўзбекистон ташқи хавфсизлигини қарор топтириш йўлида энг катта халқаро ташкилотларга — Кўшилмаслик ҳаракатига, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашига, Халқаро молия муассасаларига аъзо бўлиб кирди. Ташқи сиёсий фаолиятимизга суверенитетини ҳурмат қилиш, барқарорликни ва ички ишларга аралашмасликни ҳимоя қилиш, атом қуролини ва бошқа турдаги оммавий қирғин воситаларини тақиқлаш ва оммалаштирмаслик қоидалари асос қилиб олинган.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий мақсади дўстлик ва ҳамкорлик бўлиб қолди. Бу мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиклиги ва кўп томонламалиги кўл келмоқда.

Яқинда Швейцариядаги "Форум фонд" халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида юртбошимиз сўз олиб: "Катта иқтисодий захирага эга бўлган ва Европа-Осиё қитъасида стратегик жиҳатдан муҳим жуғрофий-сиёсий ўринни эгаллаб турган республикамиз ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиб, иқтисодий салоҳиятимизни узлуксиз ривожлантиришда, ислохотлар ўтказишда ва иқтисодиётнинг тизимини қайта қуришда давлатимизга кўмак берилиши тарафдори бўлиб турибди. Ҳозир бу ерда сармоя ва олисни кўзлаб маблағ сарфлаш учун ҳамма шароит бор. Бу маблағ ва сармоялар салмоқли самара бериши шубҳасиз," — деб очик баёнот бердилар.

Ўзбекистоннинг мустақил стратегияси чет эл капиталини катта миқдорда кириб келишини талаб қилади. Капиталнинг кириб келиши айрим ўртоқлар ҳисоблаганидек мустақилликка раҳна солмайди. Чунки ҳар икки томонга ҳам манфаатли шартлар билан хориждаги маблағларни жалб этиш, Ўзбекистон иқтисодиётини ўстиришни таъминлайди, кўплаб янги-янги иш жойлари очилади, яратилади.

Бизнинг ишчиларимиз, инженерларимиз, иқтисодчиларимиз замонавий техника ва технологиядан фойдалана билишлари лозим. Бу айни вақтда ўқув-тарбия ишларимизни, болалар боғчаларидан олий ўқув юртларигача бўлган бўғинларнинг ҳаммасида тубдан янгиланиш талаб қилади. Биз жаҳон рақобат бозорига чиқар эканмиз, шу ердаги рақобатга тайёр, шу рақобатда ғолиб чиқишга қодир бўлган меҳнатчиларга эга бўлмоғимиз керак. Бунинг учун биринчи галда, шу бўлажак меҳнатчининг ўзи ўз касбидан манфаатдорлигини англаши, ўзини ўзи назорат қилиши, ўзини ўзи сафарбар қилиши, уюштири билиши лозим.

Дўстона ҳамкорликнинг натижаларини кўриб турибмиз. Бизнинг ростлигимиз, очиклигимиз кўплаб жаҳон мамлакатларининг нигоҳида турибди. Улар бизда манфаатли ҳамкорини кўрмоқда. Бас, шундай экан, халқаро миқёсда республикамизга нисбатан хавф-хатар доирасининг торайиши, унинг ҳисобига яхшилик, бир-бирини тушуниш, кадрлашнинг кириб келиши ортиб бораверади.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиздаги осойишталикнинг умрини боқий қилади. Юртбошимизнинг халқаро обрўлари янада ошади. Мамлакатдаги осойишталикнинг яна бир муҳим сирини халқнинг Президент олиб бораётган сиёсатни тушунишида ва баҳолашида ҳам деб биламиз. Осойишталик қарор топишида давлат раҳбарларининг мақсади билан халқ хоҳишининг мос туриши муҳимдир.

Бунда юртбоши иқтисодий, сиёсий ва маънавий пульсни ушлаб туриши, айни вақтда аҳолининг ижтимоийлашиши, сиёсий маданият даражаси, ҳар бир фармон, қонундан хабардор бўлиши ва уни билиши муҳим роль ўйнайди. Аҳоли бугун республикада мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ким, қайси партия, сиёсий ҳаракат нима қилаётганлигидан хабардор. Биз буни Президент номига келаётган мактублардан, кундалик ахборот воситалари орқали, аҳоли билан бўлаётган бевосита мулоқотдан ҳам кўриб турибмиз.

Лекин очигини айтишимиз керак. Биз зиёлилар мазкур масала бўйича ҳали халқдан ҳам, Президентдан ҳам қарздормиз. Бу Ислом Абдуғанисвичнинг бир гурӯҳ ёзувчилар билан ўтказган тарихий учрашувида зиёлилар олдида қўйган вазифаларидан аниқ-равшан кўриниб турибди. Мамлакатда содир бўлаётган тарихий ўзгаришларни чуқур илмий таҳлил ва тадқиқ қилишда, вилоятларда, туманларда, халқ орасида республикамизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини, унинг муаммолари ва истиқболларини кенг тарғиб қилишда кечикишларга йўл

қўймоқдамиз. Шуни яхши билмоғимиз керакки, халқ, миллат ўзининг зиёлиларнинг фикри, асарлари орқали танийди, бошқа миллатлар билан ўзини солиштиради, ўзига ўзи ташқаридан қарай олади.

Шунинг учун мамлакатимизда осойишталикни барқарор қилиш учун зиёлилар ўзларининг бутун истеъдодини, илмини, билимини, бутун фаолиятини сафарбар қилмоғи керак. Аҳоли нечоғли билимдон бўлса, у шунчалик ўзини давлат олдида масъул деб билади. Унинг сиёсий онги қанчалик юқори бўлса, мамлакатдаги хилма-хил зиддиятли кучларнинг бир-бирини тушуниши билан ҳал бўлади, халқ қанчалик фаол ва холис ниятли бўлса, унинг раҳбари шунчалик музаффар бўлади. Мамлакатда эса тинчлик, осойишталик ва фаровонлик қарор топаверади.

## ЯНГИ МАФКУРА ЙЎЛИДА

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий осойишталик — барқарорликка йўналган жараён. Бу жараёни янги воситалар билан мустаҳкамлаш, янги мазмун билан бойитиш бобида ҳурматли Президентимиз бугунги кун учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ғояларни ўртага қўймоқдалар. Шулардан бири миллий истиқлол мафкурасини яратиш ғоясидир.

Жамият мафкура билангина тирикдир. Агар жамият тана бўлса, мафкура унинг руҳидир. Бу руҳ уни уюштиради, илҳомлантиради ва орзу-ҳаваслар сари етаклайди. Гап руҳнинг соғломлиги, пишиқлиги ва ўткирлигида.

Улуғ ниятлар ва осойишта турмуш ана шундай руҳнинг отаси ва онасидир. Юртимиз мустақил бўлди. Яратганга минг шукрлар бўлсинки, мана истиқлолнинг иккинчи йилини ҳам тинчлик ва хотиржамлик, эртанги кунга ишонч руҳи билан кутиб олаяпмиз. Бу Президентимиз айтганларидек, мустақиллигимизни сақлаб қолиш, уни келажак авлодларга омон етказиш керак эканлигини, мустақиллик нон билан чой эмаслигини, у аввало, маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканлигини, олдимизда фақат битта йўл, у ҳам бўлса ўзимизнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, фақат олға юришимиздангина иборат йўл борлигини одамлар онгига сингдиришни талаб қилади. Миллий истиқлол мафкураси ота-боболаримиз яратган улуғ кадриятлар заминиди, айни вақтда мазкур туйғулар эса халқимизнинг охир-оқибат мақсади, истиқболи, идеалга етиши учун хизмат қилмоғи лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг охир-оқибат идеали нима? Бу — И. А. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" рисоласида кўрсатилганидек, идеал-хукукий-демократик давлатчиликка асосланган адолатли жамият куришидир.

Конуний демократик давлатчиликка асосланган адолатли жамият ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам ҳукукий-ахлоқий, ҳам фалсафий-бадий, идеал-истиқбол бўлмоғи керак. Мазкур идеалларнинг мазмуни, уларни тикламоқнинг барча воситалари, тизимларининг такомили конуний-демократик давлатчиликка асосланган адолатли жамиятни қарор топтириш жараёнини ифодаламоғи ва унга хизмат қилмоғи лозим.

Маълумки, Коммунистик мафкурага кўра давлат капитализмдан коммунизмга ўтиш давридагина хизмат қилувчи, коммунистик принципларнинг қарор топиши жараёнида пешма-пеш ўлиб бориши керак бўлган сиёсий қуролдир. Лекин бизнинг назаримизда, мустақилликни мустаҳкамлаш — мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий идеали бўлган жамиятда аксинча, давлатчилик шу даражада ривожланган бўладики, қонунчилик шу қадар мустаҳкамланадики, натижада давлат ҳар бир фуқарода, ҳар бир фуқаро эса давлатда мавжуд бўлади.

Қонунга итоат қилиш, уни бажариш, унга бўлган ҳурмат республика ҳар бир фуқаросининг кундалик ҳаёт тарзига, рефлексига айланиб қолади. Шунинг учун мафкураимизнинг биринчи жиҳатини ижтимоий ҳаётда қонуннинг устуворлигини таъминлаш ташкил қилмоғи керак. Бой ҳажм ва мазмунга эга бўлган ривожланиш ва тараққиёт мафкураси ўз-ўзидан қарор топмайди. Бунда қонунчиликни янада кучайтириш, ижтимоий интизомни кенг кўламда тезроқ қарор топтириш ва уни кундалик ҳаёт интизомига айлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Эл яхшилиги, тинчлиги, эркинлиги учун талаб қилинадиган ҳар қандай интизом чоралари (баъзан тартибузарларга нисбатан зўрлик ишлатиш ҳам) ўзини оқлаган ва идеалга етишиш учун хизмат қилган.

Ривожланиш ва тараққиёт мафкурасининг муҳим жиҳати ва асосини унинг иқтисодий назарияси ташкил этади. Албатта, бу — кўпчилик мутахассислар ҳамкорлигида, республикамизнинг миллий, географик-иқтисодий хусусиятларини, иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларини ҳисобга олган ҳолда батафсил кўриб чиқиладиган катта масала. Айни вақтда ишлаши керак бўлган ривожланиш ва тараққиёт мафкурасининг муҳим жиҳатини, реал характери билан белгилаб беришда иқтисодий назариянинг роли бениҳоя каттадир. Унда аҳолининг иқтисодий турмуш даражаси, ҳаёт тарзининг сифат кўрсаткичлари муҳим роль ўйнайди.

Маълумки Ўзбекистонда мустақилликка эришгунга қадар мулкнинг барча кўриниши давлат ихтиёрида бўлиб, тўғрироғи, давлат ягона мулк эгаси эди. Мафкура ҳам шу мулк муносабатларидан келиб чиққан ҳолда унга хизмат қилар эди.

Бугун мамлакатимиз ўз бошидан ўтиш даврини кечирмоқда. Мулкнинг асосий қисми ҳозир ҳам давлат ихтиёридадир. Лекин мулкчиликнинг хилма-хил шакллари аста-секинлик билан иқтисодий муносабатларга кириб келмоқда.



Энди ижтимоий-сиёсий идеалга эришиш учун биз қандай иқтисодий назарияга асосланмоғимиз керак? Албатта, демократик давлатда фуқаро қайси бир шакл ва ҳажмда бўлмасин у мулк эгаллигига алоқадор бўлмоғи, унинг фаолияти ва мавжудлиги қонун билан муҳофаза қилинмоғи лозим. Назарий таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда АҚШ ёки Европа мамлакатларига хос бозор муносабатларининг қарор топиши мумкин эмас. Узоқ йиллар давомида ёппасига ижтимоийлашган мулк ҳукмрон бўлган мамлакатда ёппасига хусусийликка алоқадор бўлган мулкчилик қарор топтиришнинг имконияти анча-мунча чекланган. Шу боисдан мафкурамизнинг иқтисодий асосини бизнингча, биринчидан, давлат ва хусусийликка алоқадор мулк шакллариининг баб-баравар ривожланишини таъминлаш, иккинчидан эса, хусусийликка алоқадор бўлган аақллариининг ихтисослашуви, интеграция ва кооперациясига кенг йўл очиб бериш, аҳолини мулкка нисбатан бегоналашувига тўлиқ барҳам беришга эришиш, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти учун кенг имконият яратиб берувчи ишлаб чиқариш муносабатлари динамикасини қарор топтириш қонунлари ташкил қилмоғи лозим. Иқтисодий назарияни ишлаб чиқишда, атбатта мустақил Республикамизнинг муаммолари, шарт-шароитларидан келиб чиқмоқ керак. Айни вақтда мамлакатимиз ҳар бир иқтисодий тараққиёт босқичларининг муаммолари ва талабларининг ечимини умумий ижтимоий-сиёсий мақсадга бўйсундирган ҳолда амалга ошириш керак бўлади. Бизнинг назаримизга кўра қонуний-демократик давлатчиликка асосланган жамиятда ҳал қилувчи вазифани давлат ва мўтадил кооперация характериға эға бўлган хусусий мулкчиликнинг устунлиги ташкил қилиши керак. Мулкчиликнинг бу икки соҳасида меҳнат қилаётганлар онгага ватан бойлиги, қудратини кўтариш, унинг ери, суви ва ҳавоси мусаффолигини таъминлаш бобидаги жавобгарлик ҳиссиёти, катта ҳарф билан ёзилган — Ватанпарварлик она сути билан кирмоғи лозим.

Мафкура-ижтимоий-тарихий ҳодиса. У маълум бир ижтимоий гуруҳ, синф, миллат, давлат, жамият манфаатини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, бадий ва диний ғоя, қарашлар тизимидир. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси ватанимиз ўз йўлининг беш қоидасига, ватанпарварлик ва инсонпарварлик дунёқарашига асосланган, қонуний-демократик давлатчилик негизида адолат жамиятини қарор топтиришда элни жипслаштирувчи, уюштирувчи назарий восита ва маънавий омилдир.

Мустақил Ўзбекистонда бирорта синф, ижтимоий гуруҳ эмас, балки халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ва эғасидир. Унда давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Жамиятнинг бирон бир сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Республика Конституциясининг бу қайдлари муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эғадир. Демак, Ўзбекистонда социализмдағидек жамиятда ягона бир ишчилар синфи ва унинг сиёсий ақли бўлган большевиклар партияси мафкураси эмас, балки миллатидан, ижтимоий гуруҳга бўлган муносабатидан қатъи назар, жами фуқароларни ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон халқининг туб манфаатларини ифодалайдиган бир мафкура умумдавлат мафкураси бўлмоғи лозим.

Демак, давлатимиз мафкураси биттагина синф, ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг манфаатиға хизмат қилмайди. Бизда бир миллат, партия, синф мафкураси ҳукмрон мафкура бўла олмайди. Республика мафкураси умуммиллий мафкураси бўлиб қолади.

Албатта, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократиялашуви жараёнида турли ижтимоий гуруҳ ва қарашларнинг манфаатларини ифодаловчи сиёсий партиялар, ташкилотлар бор ва яна янгилари вужудға келмоқда. Улар маълум мафкураға асосланган ўз сиёсий дастурини ишлаб чиқадилар. Масала ана шу хилма-хилликка эға бўлган сиёсий партияларнинг мафкуравий платформалари ягона давлат мафкураси консенсусига олиб келиши ва Ўзбекистонда қонуний-демократик давлатчиликка асосланган адолат жамиятини барпо қилишда, ундан кенг фойдаланишдадир.

Ягона давлат мафкурасининг асосини Ватанға меҳр ташкил қилади. Ватан уй, кўча, шаҳар, қишлоқ, дарё, тоғ қабиларнинг жамидан иборат бўлган географик ёки математик тушунча эмас. Балки у ана шу уйни уй қилган ота-она, опа-сингил, кўчани кўча, маҳаллани маҳалла қилган кадрдон инсонлар, уларнинг шу уйға, кўчаға, маҳаллага бўлган меҳр-оқибати, уларнинг бир-бирларини кадрлашларидан бошланадиган табиий-ижтимоий тушунчадир. Унинг мазмуни, моҳияти, қадри, Ватанни билиш жараёнида кенгайиб, чуқурлашиб, ортиб бораверади.

Мафкурада муҳим ўринни миллий ифтихор эғаллайди. Миллий ифтихор ва ватанпарварлик бир-бирини тўлдирувчи қадриятлардир. Ватанпарварликда ўзи туғилиб ўсган ва аждодлар киндик қони тўкилган ўлкаға бўлган меҳр-оқибат ифодаланса, миллий ифтихорда шу

Ўлкани ўлка қилган, унинг кадриятларини бунёд этган халққа таъзим, ўзини шу элнинг бир қисми, деб ғурур билан ҳис этиш ифодаланади.

Бизнинг миллий истиқлол мафқурамыз жумладан, ҳар иккала кадриятларнинг шаклланиши учун хизмат қилмоғи лозим. Чунки улар давлатимиз барча фуқароларини улуғ мақсад йўлида юракдан бирлаштириш вазифасини адо этади,

Мана, Президентимиз ёзувчилар билан бўлган учрашувда: "Биз маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка чек қўйишимиз зарур. Бундай нарсаларни орамиздан кўтариб ташлаш керак. Бу ишимизга халақит беради. Дунёда ўзбек миллати битта. У хоразмликми, фарғоналикми, сурхондарёликми фарқи йўқ — ўзбекдир", — деб куюниб гапирдилар.

Миллий истиқлолни мустаҳкамлашнинг муҳим тўсиқларидан бири ана шу маҳаллийчиликдир. Бу феодал ер эгалиги, ҳокимлиги, қарамлиги, манфаатидан мерос қолган психология. Буни ҳаракатга келтирувчи нарса, албатта, иқтисодий-сиёсий манфаатлардир. Бундан мақсад бирон амални эгаллаб олиш, уни сақлаб қолиш, мол-дунё орттиришдир. Бу ижтимоий ғовни иқтисодий йўл билан, фуқароларнинг иқтисодий манфаатдорлигини хилма-хил воситалар орқали кенгайтириш, бозор муносабатларининг кенг имкониятларидан фойдаланиш ва ижтимоий, сиёсий йўллар билан олиб ташлаш мумкин. Миллатда умумий иқтисодий манфаатдорлик психологияси шаклланиб, бутун мамлакат доирасида яшаётган барча миллат, элат вакиллари бир туйғу, бир миллат туйғуси билан яшайди. Бир миллат туйғуси билан яшаш, дегани республикада яшаётган барча рус, қозоқ, татар, корейслар ва бошқа юздан ортиқ халқ ва этнографик группа вакиллари билан ўзбек бўлиб қолиши дегани эмас. Мазкур жараёнда ҳар бир халқ узоқ асрлар давомида ўзлигини сақлаб қолади. Уларнинг тил хилма-хиллиги, урф-одат ранг-баранглиги сақланиб қолади. Лекин улардаги сиёсий табиатга эга бўлган миллатчилик тарихий саҳнадан кетади. Умум иқтисодий манфаат, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, уни яратишга интилиш, фаровонлик умуммиллий ифтихор мазмунини касб этади. Айни вақтда турли миллатларга хос бўлган этнографик хилма-хиллик турмушимизни ранг-баранг қиладн, ҳаёт гўзаллигининг тафтини оширади.

Миллий ифтихор ҳақида гапирганда айрим ўртоқлар фақат ўзбек миллати, унинг ўз-ўзини билиши, унга хос бўлган кадриятларни тиклаш, улуғлашга урғу берадилар. Бу — тўғри. Бунга мен ҳам қўшиламан. Биз халқимизнинг кўҳна тарихини мукамал ўрганишимиз ва ундан бугунги кун учун зарур бўлган барча сабоқларни олмоғимиз зарур. Халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатларини тикламоғимиз, уни ҳозирги замон мазмуни билан бойитмоғимиз зарур. Лекин бугун бизнинг олдимизда турган бош масала мустақилликни мустаҳкамлаш, тараққиётнинг энг қулай йўлига таяниб, қисқа вақт ичида жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторига ўтиб олишдир. Тил ҳам, ёзув ҳам, имло ҳам, атамалар ҳам, кадриятлар, дин ҳам шу мақсад учун ишламоғи керак. Қайси бир тилдан кириб келган, қайси бир даврда аҳолининг жуда тор қисми учунгина тушунарли бўлган атамалар билан ҳозирги замон ўзбек тилини тўлатиш, унинг белини синдириш, ўзлигимизни билиш учун қилинаётган ҳаракат эмас. Аксинча, бу бизни прогрессдан четлатиш, ўрта асрлар қоронғулиги томон етаклашдан бошқа ҳеч нарсга эмас.

Ватанпарварлик тушунчаси, биринчи галда бизни ўзаро бирлаштириб турган халқ деб аталмиш битта умумий категориядан келиб чиқмоғи керак. Ўзбекистон руслар, қозоқлар, корейслар учун ҳам "ўлсам айрилмайман қучоқларингдан", деб аталувчи маънавий кадрият бўлиши керак. Унинг шаъни, обрўси, кадри-қиммати унда яшаётган ҳар бир миллат вакилининг шаъни, обрўси, кадри-қиммати бўлиши керак.

Инсон кадр-қиммати билан тирик. У қорни учун йиғламайди, балки кадри учун йиғлайди, дард чекади. Республикада яшайдиган ҳар бир фуқаро шу мамлакат қадрининг бир мисқоли. Шу мисқолларни улуғлаш орқали Ватанимиз кадри улуғланади. Назаримда, ана шу қарашларни биз ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича бўладими, аниқ, мутахассисликка оид фанлар бўйича бўладими, ўтиладиган дарслар учрашув, суҳбатларда, турли маърифий-маданий ишларимиз орқали ёшларимиз онгига сингдирмоғимиз зарур. Бу мустақиллик мафқурасининг етакчи жиҳатлари ҳисобланади деб ўйлайман.

Миллий истиқлол мафқурасининг яна бир муҳим жиҳатини оддий инсоний қонунларни ўзида мужассамловчи ахлоқий кадриятлар ташкил этади. Унда Ватанга меҳр, миллий ифтихорнинг ҳам туб моҳияти ўз ифодасини топади. Истиқлол, тараққиёт ахлоқи ўзида бир жиҳатдан ўзбек халқининг бой ахлоқий хазинасининг қаймоғини ифодаласа, иккинчи жиҳатдан, у XX асрга хос умуминсоний ахлоқий фикр, қарашлар йиғиндисидан ҳам иборат бўлмоғи керак.

Албатта, биз учун Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Нақшбанд ахлоқий мероси бениҳоя қадрли. Аммо уларни қандай бўлса шундайлигача ҳозирги давр ахлоқий муносабатларига кўчириб бўлмайди. Чунки халқимиз янги муҳитда, янги ижтимоий муносабатлар шароитида янги ниятлар билан яшамоқда. Биз халқнинг шу кунга қадар сақлаб, авайлаб келган, замонамиз руҳига мослашиб, ҳаётийлашиб келган ахлоқий норма,

қараш ва қадриятларига истиқлол руҳини бериш ҳақида ўйламоғимиз керак.

Халқимизнинг ўзлигини ташкил қиладиган миллий ахлоқ ҳам қотиб қолган ахлоқ эмас. Балки у янги сифатлар билан бойиши керак бўлган, айтилиши вақтда бошқа миллат, халқ ахлоқига озик бўладиган ва ундан озик оладиган ахлоқдир.

Миллий истиқлол, тараққиёт ахлоқимизнинг менимча бош категориялари мустақилликни мустаҳкамлаш, аҳиллик, ватанга меҳр бўлиши керак. Мустақилликни мустаҳкамлаш — бурч сифатида фуқароларимиз фаолиятининг ахлоқий тарзи бўлмоғи керак. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун сен нима қилдинг, деган савол ташқаридан эмас, балки ичкаридан, ҳар бир кишининг юрагидан унинг ўзига берилмоғи керак. У шу фикр билан яшамоғи керак.

Президентимиз айтганларидек, агар аҳил бўлсак, ўзимиздан сотқин чикмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди. Орамизда эртани ўйламайдиган, шахсий манфаатларини халқ, ватан манфаатларидан юқори қўядиган кимсалар бўлмаслиги учун зиёлилар бизларга кўмак беришлари лозим. Токи бундайлар одамлар фикрини чалғитмасин. Аввало виждон тоза бўлиши керак. Бугун ҳаммамиз миллатимиз, халқимизнинг, давлатимизнинг келажаги ҳал бўлаётган нозик даврда яшяпмиз. Демак, ҳар биримиз бу даврдаги ахлоқий бурчимизни яхши англамоғимиз зарур. Ушанда ахлоқий қадриятнинг таъсир кучи янада ошади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш туйғуси, аҳиллик туйғуси, ватанга меҳр туйғусидан келиб чиқади ва катта ҳарфлар билан ёзиладиган ахлоқий сиёсатни — Ватанпарварликни ифодалайди.

Расули Акрам саллаллоҳу аллайҳи вассалам: "Хуббул ватан — минал иймон", яъни ватанни суймоқ иймондандур, деганлар. Иймон инсоннинг ҳалоқлигини, инсон эканлигининг мезонидир. Иймонсиз киши инсонлар қаторида турмайди. Худди шундай миллатни бирлаштиришга ҳалақит берувчилар, мустақилликни мустаҳкамлашга қўшилмайдиганлар ватандан кўра жигилдонини, амални афзал кўрадилар, айтилиши вақтда ватанфурушлар ва иймонсиз кимсалардир. Буларга нисбатан мафкура кучи билан, жамоатчилик фикри, назари билан беаёв кураш олиб бормоғимиз лозим.

Ватанга меҳр — ниҳоятда буюк ва нозик ахлоқий фазилат. У ҳар бир фуқародан ижтимоий ҳаётни синчиклаб ўрганмоқни, уни яхши ва ёмон томонларидан тегишли хулосалар чиқармоқни талаб қиладди. Ватанни билиш, қадрлаш, салоҳиятига эга бўлган кишиларгина ватанпарвар кишилар бўла оладилар.

Дикқатингизни Абдуллоҳ Авлонийнинг "Гулистон" ёки "Ахлоқ" китобида келтирилган бир ҳикоятга тортмоқчиман. Бир куни бир кўр Ҳазрати Лукмони Ҳакимнинг олдида келиб: "Агар кўзимни очсангиз мен сизга кўл бўлурмен", дермиш. Ҳаким кўрни маърифат соҳиби эканлигини билиб: Жоним, кўзингнинг пардасини очмоқ мумкин, лекин назари ибратни очмоқ кўлимдан келмайди", дермишлар. Кўр: "Сизнинг шўхратингиз фаҳат парда очмоқдан иборат бўлса, сизни Ҳаким демай табиб демоқ керак экан", деб Ҳазрати Лукмоннинг ибрат кўзини очмишдир.

Ибрат кўзи, яъни ҳар нарсадан яхши, ибратли, керакли нарса, сифатни ажратиб ола билишлик ахлоқий камолотнинг муҳим калитидир. Мустақилликни мустаҳкамлаш, юртни осойишта қилиш ва уни нурафшон чўққиларга кўтариш учун элимизга ана шундай ўткир зехинли ибрат кўзи очилган кишиларни тарбиялаш мафкуравий ишимизнинг муҳим жиҳати бўлмоғи лозим.

Мазкур жараённинг моҳиятини эса яна шу давлатдаги ҳамма учун бўлган мафкура, ундан келиб чиқадиган таълим ва тарбия ишларининг мазмуни ташкил этади.

Ватанпарварлик, Ватанга меҳрни шакллантириш, қарор топтиришда жамият, инсон тўғрисидаги илмни эгаллаш, уларни ривожлантириш муҳим ўрин эгаллайди.

Республика мустақиллигини мустаҳкамлашда, маънавий оламни баркамол қилишда гуманистик, илмий, ҳозирги замон дунёқарашини шакллантириш, унинг мазмунини бойитиш муҳим роль ўйнайди.

Илмий дунёқараш табиат, жамият, инсон ва унинг маънавий борлиғи тўғрисидаги тасаввур, тушунчалар ва қарашларнинг умумлашган системасидир. Унинг асосий белгиларини ходисаларда моҳиятни, шаклда мазмунни, алоҳидаликда умумийликни кўра билишда, маълум принципларга кўра билимларни, қарашларни, нормаларни гуруҳлай олиш, системалаштира олиш, мавжуд илмий фактларга асосланиб келажакни башорат қила билишда кўрамиз.

Бугун талабаларга ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ана шу илмий дунёқарашни шакллантириш долзарб масала бўлиб турибди.

Ҳукуматимиз ижтимоий фанларни ўқитишга алоҳида аҳамият бермоқда. Бугун ижтимоий фанлар мафқуранинг воситалигидан қутилди. Ундаги догматизмга чек қўйилди, абстрактликдан конкретликка, мавҳум ижтимоийликдан инсоннинг, жамиятнинг аниқ муаммоларини билишга ўтиш бошланди.

Бугун ижтимоий фанлар ходимлари олдида катта илмий, назарий ва амалий масалалар кўндаланг турибди. Бу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, ўзлигимизни танишимиз, истиқлолимизни англашимиз, иқтисодий мустақилликка эришимиз, жаҳон бозорининг рақобатдош субъектига айланишимиз мумкин эмас. Она Ватан тарихини, халқимизнинг табаррук одобию, унинг ўзига хос иқтисодий характери, тафаккур хусусиятини билмасдан ватанпарвар мутахассиснинг шаклланиши мушкул.

Ҳўш, муаммолар нималардан иборат? Биринчиси — ижтимоий фанларнинг ҳажми жиҳатдан бошқа мутахассислик фанларни ўртасида эгаллаган ўрни масаласи. Бу борада турли фикрлар мавжуд. Бизнингча, муаммога экстенсив нуқтаиназардан эмас, балки интензивлик нуқтаи назаридан қараш лозим. Шунда бугунги кунда ижтимоий фанларга ажратилган соатлардан самарали фойдаланиш ғоят муҳимлиги равшанлашади. Ҳозирданоқ талабанинг ўз устида кўпроқ ишлаши учун керакли шароитни туғдириш, шахсий дунёқараш гармониясини такомиллаштириш услубини ишлаб чиқиш зарурати англашилади.

Иккинчидан, ижтимоий фанлар рўйхати замонавий фанлар билан бойитилиши даркор. Чунки бозор муносабатларига ўтиш шароитида "Касб этикаси", "Ижтимоий психология" каби фанлар фуқароларимизу мутахассисларимиз учун бениҳоя зарур. Шу билан бирга, "Мантик" фанини ҳам чуқур ўрганишимиз лозим. Инсон заковати мантиқни зарурият тарзида яратган-ку, ахир!

Фалсафани ўқитиш бобида ҳам ечилмаган саволлар кўп. Гоҳо бу фанни ўрганишнинг ўзи керакми, дегувчиларни ҳам учратиб қоласиз. Уларга қисқа жавобимиз шу: билимдонликка, ўйлаб фикрлашга, доноликка интилмаган, шу сифатлардан узоқ бўлган мутахассисни тўлақонли мутахассис, дейиш мумкинми? Иқтисодчи олим умумиқтисодий қонунларни яхши билсагина хусусий иқтисодий қонунларни шунга мувофиқ аниқ ифодалай олади. Агар иқтисодчи раҳбар республика иқтисодиётининг кўламяю миқёсини тасаввур эта олсагина ўз ҳўжалигининг истиқболи режаларини ҳам тугал белгилашга эришади. Бунда, албатта, унга фалсафанинг умумийлик ва алоҳидалик категориялари диалектикасини билиш қўл келади. Мабодо у диалектиканинг сабаб ва оқибат категорияларини яхши ўзлаштирган бўлса, инқироз даврида бошқа раҳбарларга нисбатан тадбиркорлик билан иш кўриши, корхонаси синишининг олдини олиши мумкин.

Айрим мутахассислар фалсафадан қабул қилинадиган номзодлик имтиҳонларини нотўғри деб ҳисобламоқдалар. Бу ўринда қайси фалсафа назарда тутилаётганлигини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, абстракт — аксиоматикадан иборат бўлган догматик марксча-ленинча философиядан синов топшириш ҳақиқатан ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Лекин философия фақат догмага айлантирилган марксча-ленинча философиядан иборат эмаску? Менинг назаримда диалектик билиш назарияси, мушоҳада фалсафаси, унинг тамойилию услуби, қонун ва категориялари барча фанлар учун ҳеч қачон ўзининг методологик қимматини йўқотмайди.

Шу жиҳатдан олганда, диалектик услуб илмий дунёқарашнинг шаклланишида муҳим восита ролини ўйнамоғи, барча ижтимоий гуманитар ва аниқ фанларимизнинг устивор услуби бўлиб қолмоғи керак. Чунки унинг ёрдамидагина кишилар амалий ва илмий фаолиятларига оид масалаларга, инсоният тақдири ва истиқболи муаммоларини оқилона билиши, ҳал қилиши мумкин.

Талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришда, шунингдек улар онгида иқтисодий тафаккурни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ривожланмоқда, тижорат банклари, биржалар, савдо уйлари, майда, кўшма, акционерлик корхоналар ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, жумҳуриятимизда иқтисодий уйғониш жараёни кечмоқда. Ушбу жараён билимларсиз амалга ошмайди. Биласиз, бозор иқтисоди биз учун янгилик. У қатор чалкашликларни келтириб чиқаряпти. Бу борада биз "чаласавод"миз. Шунинг учун энг аввало зудлик билан бозор иқтисодига оид билимларни оммалаштириш даркор. Айниқса бу иқтисодий олий билимгоҳлар талабалари учун ҳаводек зарур. Бизнинг олийгоҳимиз, масалага худди шу нуқтаи назардан ёндошиб, бунинг учун хориж тажрибаларидан фойдаланишга ва улар билан ҳамкорлик қилишга киришди. Американинг машҳур корпорацияларидан бири "Жуниор ачивминт" билан ҳамкорлигимиз эса юқоридаги муаммоларни ечиш имконини беради, деб ўйлаймиз. Бу корпорация ўзининг етмиш йилдан кўпроқ фаолияти давомида бозор иқтисодининг дастлабки билимларини оммалаштириш тажрибаларини тўплаган. Улар ўз билимларини жумҳуриятимизда

оммалаштиришга рози. Шунинг учун Тошкент Молия олий билимгоҳи, Ўзбекистонда ёш тадбиркорларга кўмак бериш уюшмаси, "Ипак йўли" банки иштирокида "Жуниор ачивмент" — Ўзбекистон шартномаси имзоланди. Шартномага мувофиқ талабалар жаҳон талабларига мос келадиган даражада иқтисодий билимлар, бозор иқтисодиётининг асослари билан танишадилар. Бозор иқтисодиёти муаммолари ечимини топиш йўлларини ўзлаштирадилар. "Амалий иқтисод" дастури асосида ўқиш режаларини ўрганадилар. Хуллас, бу жараёнлар ёшларимизга тадбиркорлик малакаларини сингдириб, уларни бозор иқтисодиётининг наздик томонлари билан ошно этади. Тингловчиларимиз ўқиш давомида тадбиркорликни рағбатлантирувчи тушунчаларни билиб оладилар. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг тутган ўрни, талаб ва таклиф, уларнинг мувозанати, нархни ташкил этиш усуллари, омадли бизнесчи бўлиш сирлари ва унинг молиявий жараёнлари, маркетинг иши, рақобат усуллари ва шакллари, солиқ тўлаш, кредит олиш ва ҳоказолардан иборатдир. Умуман мана шу ўқиш жараёнида ёшларимизга топқирлик, зийраклик, зукколик, ақл билан иш юритишнинг наздик томонларига катта эътибор бериш уқтирилади.

Президентимиз айтганларидек, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, маърифат туйғуларига таянган мафкурагина кенг маънодаги истиқлол мафкураси бўла олади. Бундай мафкура аҳолининг барча гуруҳларини ўз-ўзини, миллий ўзлигини, ватандошлик туйғусини англашга, мамлакат ичида ва халқаро миқёсда содир бўлаётган воқеаларга сезгирлик билан қарашга, қонуний-демократик давлатчиликка асосланган жамият ва унинг келажagini кўра билиш, тушуниш ва баҳолай билишга ўргатади.

Республикамызда миллий истиқлол кадриятлари, Ўзбекистон ватанпарварлигининг устиворлигини билишни қарор топтиради.

Истиқлол мафкураси объектив ва субъектив фактларнинг ўзаро мослигини қатъий ҳисобга олган ҳолда дунёқарашни шакллантиради, идеални бугунги имкониятлар даражасида кўрсатиб ва изоҳлаб, аҳолининг етилиб турган муаммоларини ҳал этишга даъват этади. Аҳолида бозор муносабатларидан келиб чиқадиган ва унга мос келадиган янги ижтимоий-психологияни қарор топтиради. Ҳар бир кишини миллий ва умуминсоний кадриятлар заминида ўзлигини англашга ўргатиб, баркамол инсон қилиб тарбиялайди.

Ривожланиш ва таракқиёт мафкураси қонуний демократик давлатчиликка асосланган жамиятни қуришга ҳалақит берадиган ҳар қандай иқтисодий, сиёсий, маънавий тўсиқларга қарши кураш олиб бормоғи лозим. Курашнинг характери, воситалари албатта илмий жиҳатдан асосланган бўлиши ва давр, шароит характеридан келиб чиқмоғи керак. Албатта, бу кураш адолатга асосланган қонун ва қонунчилик кучига таянган кураш бўлиши керак. Бунда ҳамма қонун олдида тенг жавобгар эканлиги катта роль ўйнайди.

Янги Ўзбекистоннинг сиёсий меъмори, ҳурматли юртбошимиз айтганларидек, энди қаддимизни кўтармоғимиз керак. Бизнинг еримиз, эл-юртимиз энди эркин нафас олаяпти. Лекин шунини унутмаслик керакки, истиқлолимиз осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бу ҳақда истиқлолимизнинг икки йилини байрам қилиш арафасида яна бир марта жиддий ўйламоғимиз, уни мустаҳкамлашнинг янги-янги воситаларини яратиш бобида катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур. Бунга ҳамма — Президент ҳам, зиёли ҳам, ишчи ҳам, ўқувчи ҳам бирдек масъулдир.

Мустақиллик бизларга шундай эркинликлар бердики, натижада ўз она тупроғимиз, тарихимиз, динимиз, мафкурамызга ўзимиз эга бўлдик. Бу шубҳасиз ҳар бир ватандошимиз қалбида ифтихор ҳис-туйғуларини уйғотади. Бу туйғулар бизни мустақилликни мустаҳкамлашга даъват этади. Шу йўлда қанчалик фидокорлик кўрсатсак, мустақиллигимизнинг келажаги шунча нурафшон бўлади.